

847 урр
К. С. 12



Жаҳон адабиёти хазинасидан

Умар Сайфиддин
Бадал



УМАР САЙФИДДИН

БАДАЛ

ҲИКОЯЛАР



Тошкент
2012

УДК: 821.512.133—31

ББК: 84 (5 Турк)

С — 22

**Сайфиддин Умар. Бадал/ҳикоялар. —Т.: «Янги аср авло-
ди», 2012 — 248 б.**

ISBN 978-9943-08-788-0

Замонавий турк ҳикоячилигининг асосчиси бўлган Умар Сай-
фиддин асарлари бутун дунёда машҳур. Унинг ҳикоялари ахло-
қий-маънавий руҳга бой бўлиб, Туркияда энг кўп ўқиладиган асар-
лар сирасига киради. Мазкур тўпламга киритилган ҳикояларда
ишонч, ватанпарварлик, фидойилик, дўстлик ҳоялари тараннум
этилади.

УДК: 821.512.133—31

ББК: 84 (5 Турк)

Туркчадан
Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ
таржимаси

Тақризчилар:
Абдимурод ТИЛАВОВ,
филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти
Жумали ШАБАНОВ,
филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат
Шарқшунослик институти доценти

336564

ISBN 978-9943-08-788-0

© Умар Сайфиддин, «Бадал»
«Янги аср авлоди», 2012 йил.

БАРҲАЁТ ЁЗУВЧИ

Умар Сайфиддин йигирманчи аср турк адабиётининг энг таниқли ва машҳур сиймоларидан бири. Рус адабиётида А.П.Чехов, ўзбек адабиётида Абдулла Қаҳҳор қандай улуғ роль ўйнаган бўлса, турк ҳикоячилигида Умар Сайфиддин ҳам ана шундай ролни ўйнаган. У замонавий турк ҳикоячилигининг асосчисидир.

Умар Сайфиддин 1884 йил 11 мартда Туркиянинг Гўнан шаҳрида туғилган. Мактабни тугатгандан сўнг ҳарбий ўқув юртида таълим олган. У армияда юқори рутбаларда хизмат қилган. XX аср бошида Усманийлар Туркияси учраган инқироз туфайли халқ бошига ёрилган беҳисоб кулфатлар унинг ички дунёсига қаттиқ таъсир қилади ва бу унинг ҳикояларида ҳам ёрқин акс этган.

1911 йилда хизматдан бўшайди. Бироқ кўп ўтмай у яна хизматга чақирилади ва Болқон урушида иштирок этади. 1914 йилда армиядан бутунлай бўшаган Умар Сайфиддин ёзувчилик фаолиятини бошлайди. 1918 йилдан «Дикен» (яъни «Тикан») мажмуаси, «Замон» ва «Вақт» газеталарида кетма-кет унинг шеър ва ҳикоялари босила бошлайди. Зиё Кўкалпни истисно қилганда, у Иттиҳод ва Тараққийчиларга қарши танқидий руҳда асарлар ёзади. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. «Иттиҳод ва Тараққий» жамияти замондан орқада қолаётган Туркияни замонавий давлат даражасига кўтариш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ислохотлар ўтказиш мақсадида ташкил этилган ва мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнаган. Жамиятнинг саъй-ҳаракатлари натижасида Туркия ҳаёти демократлаштириш то-

мон юз тутган, конституция қабул қилиниб, конституциявий монархия тузуми ўрнатилган. Бироқ ҳурлик, адолат, тенглик шиорлари билан майдонга чиққан жамият ҳокимиятини эгаллагач, бора-бора мустабидга айланган, сиёсий рақибларини биттадан йўқ қилган. Оқибатда жамиятдан халқнинг норозилиги кучайган ва эътибордан тушган. (Жамият 1918 йил 21 декабрда бўлиб ўтган охириги қурултойида ўз-ўзини тарқалди деб эълон қилган ва Тежеддуд (яъни Тикланиш) партиясига айланган).

Умар Сайфиддин жуда ёш чоғида, яъни 1920 йил 6 мартда вафот этади. Шунга қарамай, ёзувчи жуда кўп ва замонасига кўра мукаммал ҳикоялар ёзиб қолдирган. Болалик йиллари хотиралари асосида ёзган «Онт», «Фалақ», «Илк жинойят», «Қашов» ҳикоялари, Усмонийлар давлати ичида рўй бераётган турли ҳодисалар қаламга олинган «Бадал», «Бомба», «Оқ лола», «Ҳуррият байроқдори», «Тутқун» ҳикоялари жуда машҳурдир.

Умар Сайфиддин ўз мамлакати ва миллатини қаттиқ севган ва унинг келажаги учун қайғурган ватанпарвар ёзувчи эди. Йигирманчи аср бошларида турк жамиятида катта сиёсий кучга эга бўлган айрим гуруҳлар томонидан мамлакатни тарқоқликка, халқни маҳдудликка етаклайдиган қарашлар тарғиб этилаётган, миллат ва дин тушунчалари инкор этилаётган бир шароитда миллий бирлик рояси, ўзликни англаш, халқни ягона миллий роя атрофида жипслаштириш эҳтиёжи туғилган эди. Умар Сайфиддин бу тарихий заруратни теран илғаб, ўз ҳикояларида миллат ривожига тўсиқ бўлаётган иллатларнинг илдизларини, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғусини хиралаштираётган салбий жиҳатларни ҳаққоний кўрсатди, замондоши ахлоқий-маънавий дунёсини чуқур таҳлил қилди, унда гўзал маънавий фазилатларни тарбиялашни энг муҳим вазифа деб билди. Миллатининг келажаги, равнақи учун курашмаган киши етук инсон эмас. Албатта, бу ўринда миллатчилик ва миллатини севиш туйғуларини фарқлаш лозим. Ўз мил-

лати равнақини ўйлаш, унинг жипс, ҳур ва эркин бўлишини ишташ тамомила прогрессив, ижобий ҳодисадир. Ўз миллатининг мумтозлиги, унинг бошқалардан устулиги тўғрисидаги ғоя эса, албатта, реакцион, салбий ғоядир. Умар Сайфиддин турк маданиятини, прогрессив анъаналарини ҳимоя қилиш, миллатини ёт, айниқса, инсонийликни маҳв этадиган космополитчилик, худбинлик туйғуларини авж олдирадиган Ғарб маданияти таъсиридан асраш учун курашган. Ёзувчининг бу иштаклари унинг «Афрўзбей», «Баланд пошналар» асарларида ёрқин акс этган. «Инсон ҳур бўлса, тенг бўлади. Тенг бўлгач, қардош бўлади. Дин фарқи, миллат фарқи йўқолади. Ҳуррият учун бу нарсаларнинг ҳеч аҳамияти йўқ. Айниқса, миллиёт сингари аҳмоқлик бўлмайди», дейди сохта ватанпарвар Афрўзбей.

Ёзувчининг турк миллатининг тақдири, унинг келажаги борасидаги ташвишли ўйлари «Дўсту нодўстларимиз» ҳикоясида ёрқин акс этган. Адиб ҳикоя қаҳрамонини номидан истеҳзо билан: «Тарихи, таълими, адабиётида ўзини бу қадар инкор этган бир миллат ўз миллийлигига асосланган «иттиҳод», бирлик ғоясини ўртага қўйиши мумкинми? Европаликлар бизни яхши ўрганмаганликларини учун бундай ғоя борлигини тахмин қилишлари мумкин!.. Орамиздагилар бўлса бу қадар гўл бўлмасликлари керак. Мамлакатимизда «турк, турклик. Туркия, туркиёт» калималари бўлмагани сингари, «турк тили» деган бир тил ҳам йўқдир», дейди. Миллатни миллат сифатида шакллантирадиган, бирлаштирадиган, ривожлантирадиган биринчи омил тилдир. Тилни йўқотиш миллатни ўлдириш томон етаклайди. Зотан, ўтмишда тили ўлган қанчадан-қанча халқлар тарих саҳнасидан чиқиб кетган. Шу боисдан ҳам муаллифнинг ўз она тилининг аҳамияти, унинг софлигини асраш тўғрисидаги ташвишли ўй-фикрлари бу ҳикояда давр талабларига ҳамоҳанг жаранглаган. Ўтган аср бошларида Туркияда Усмонийча деб аталган қоришиқ, уч тилнинг аралашмасидан ҳосил қилинган сунъий, халққа ёт, тушу-

биялашда, ижтимоий фикрни шакллантиришда катта роль ўйнади. Бу ҳикояларнинг қадр-қиммати бутунги кунда ҳам йўқолган эмас. Улар Туркияда энг кўп ўқиладиган асарлар сирасига киради. Шунингдек, унинг ҳикоялари жуда кўпилаб чет тилларга таржима этилиб, чоп қилинган.

Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ

ТУТҚУН

Чексиз уфқларга қараган кичик тепа мўъжазгина гул ўрмонига ўхшарди. Илк баҳорнинг хушбўй, ингичка, узун новдали бодом дарахтларининг олачалпоқ сояси соҳилга борадиган сўқмоққа тушиб туради. Сабодан сархуш чағаллоқларнинг шодон қийқириқлари теварак-атрофни тутган. Бодомзорнинг ён томонида катта бир боғ бор эди.

Оқ тошдан урилган пастак деворнинг у томонидаги зайтунзор пастдаги водийга туташиб кетган. Боғ ўрта-сидаги вайрона кулбанинг ромсиз эшигидан бир қария чиқди. Унинг соч-соқоли оппоқ эди. Букрисини тўрриламоқчи бўлгандек, керишди. Қўллари, оёқлари қалтирарди. У кўкдай бўш, кўкдай сокин денгизга тикилиб-тикилиб боқди.

— Иншооллоҳ, яхшиликка бўлсин! — деди.

Девор остидаги тош уюмининг устига чўқди. Бошини қўлларининг орасига олди. Эгнида йиртиқ қоп. Яланг оёқлари тупроқда юравериб толгандек кўринарди. Озгин қўллари қорайган, жез рангида. Такрор бош кўтарди. Кўк билан денгиз бирлашиб кетган туман чизикда диққат билан тикилди. Бироқ ҳеч нарса кўринмади.

У ўзини қутқариш учун кўпгина кемаларнинг елканларини шишириб, тезлик билан келаётганини ҳар кеча тушида кўрадиган бир бечора, кекса турк қули эди. Асир тушганига қирқ йилдан ошганди. Ўттиз ёшида, қучли, қувватли қаҳрамон денгизчи эканлигида Малта қароқчиларининг қўлига тушганди. Йигирма йил уларнинг кемаларида эшкак эшди. Йигирма йил икки оёғи икки занжир билан бир кеманинг рутубатли ертўласига боғлиқ ҳолда яшади. Йигирма йилнинг ёзлари, қишлари, шамолу бўронлари, қуёши унинг метиндек вужудини емира олмади. Занжирлари занглади, чириди,

узилди. Йигирма йил ичида бир неча бор занжир ҳал-қаларини, михларини алмаштирдилар. Бироқ унинг пўлатдан пишиқроқ бақувват оёқларига ҳеч нарса бўлмади.

Фақат таҳорат қилолмагани учун қайғурарди. Доимо кунчиқар томонни чап тарафида тутиб, кўзларини қиблага қаратар, беш вақт намозни яширин, ишоралар билан адо этарди. Элликка чиққанида қароқчилар уни «Энди эшкак эшишга ярамайди» дея занжирдан чиқариб, бир оролда сотиб юбордилар. Хўжайини заминдор эди. Ўн йил фақат қаттиқ нон эвазига унга хизмат қилди. Оллоҳга кўп шукур қиларди. Чунки энди унинг оёқлари занжибанд эмасди. Таҳорат олиши, тўғри қиблага юзланиб, унутмаган оятларини ўқиши, намоз қилиши, дуо ўқиши мумкин эди. Бутун умиди мамлакати, Эдремитга қовушмоқ эди. Ўттиз йил ичида бир лаҳзага бўлса-да, умиди узилмади. «Ўлгандан сўнг тирилишимга қандай ишонсам, элик йил асирликдан сўнгра мамлакатимга қовушишимга ҳам шунчалик ишонаман», дерди. Энг шонли, машҳур турк денгизчиларидан эди. Ҳали йигирма ёшидаёқ Тарик бўғозидан ўтган, ҳафталаб, ойлаб соҳил, қирроқ кўрмасдан шимол томонга сузган, дуч келган ороллардан жизя¹ олган, катта-кичик флотларни енгил кемаси билан ёлғиз ўзи тор-мор келтирган эди. Ўша вақтлари турк элида номи тилларда достон бўлганди. Ҳатто подшоҳнинг ўзи уни саройга чақирган, саргузаштларини тинглаганди. Чунки у Хизир алайҳиссалом борган диёрларни кезганди. У борган денгизларда муз тоғлари, муз ороллари сузиб юрарди. У ерлар тамомила ғаройиб бир олам эди. Олти ой кундуз, олти ой кеча бўларди! Хотинини йилнинг ярми улкан кеча, ярми улкан кундуздан иборат бўлган ўша бошқа оламда олган эди. Кемасини олтин, кумуш, дур, олмос-

¹ Жизя — ўтган замонларда мусулмон ўлкаларда ғайридинлардан олинадиган жон солиғи. *Ушбу ва кейинги изоҳлар таржимонники.*

ларга тўлдириб, ватанига қайтаркан, соҳилсиз денгиз ўртасида уйланган, ўғли Турғут Чаноққалъа¹ ёнидан ўтаётганида туғилган эди. Тирик бўлса ҳозир қирқ беш ёшида бўлса керак. Ажабо, хотини тирикмикан? Юзкўзини ҳам унутган қордан ҳам оппоқ рафикаси ҳали ҳам соғ-саломатмикан? Қирқ йилдирки, пойтахтнинг, Истанбулнинг минорали уфқи хотирасидан ўчмаганди. «Бир кемам бўлсайди, кўзимни юмиб, Қабатошнинг рўпарасига лангар ташлаган бўлардим», деб ўйларди. Олтмишдан ўтгач, хўжайини уни номига озод этди. Бу озод этиш эмас, балки кўчага, очликка, хорликка отиш демак эди. Кекса асир мана шу вайрона боғнинг ичидаги хароба кулбани топди. Жойлашди. Ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ора-чўра шаҳарга тушар, кексалигига ачиниб беришган нон бўлақларини тўплаб қайтарди. Яна ўн йил ўтди. Энди у кучдан қолган эди. Бунинг устига боғнинг эгаси ҳам унинг бу ерда туришини хоҳламай қолди. Энди у қаерга ҳам борсин?

Мана, аввалдан кўрган тушларини яна кўра бошлаганди. Қирқ йиллик бир туш... Туркларнинг, турк кемаларининг келиши...

Кўзларини қўллари билан яхшилаб ишқади. Денгизнинг кўк билан бирлашган нуқтасига яна боқди. Ҳа, албатта, келишади. Бунга у шу қадар амин эдики...

— Қирқ йил кўрилган туш ёлгон бўлмайди! — дерди.

Кулба девори ёнига чўзилди. Кўзлари оҳиста юмилди. Баҳор умид тўфони каби ҳар томонни ўз оғушига олганди. Чағаллоқларнинг:

— Келишяпти, келишяпти, сени қутқаргани келишяпти! — деганга ўхшаш тотли товушларини тинглай-тинглай уйқуга толди. Девор тошлари орасидан чиққан калтакесаклар устида чопишар, қоп кўйлагининг ичига қочишар, қалин оқ соқоли орасида ўйнашарди. Кекса тутқун катта бир турк флотининг бандаргоҳга кираёт-

¹ Чаноққалъа — Дарданел бўғози яқинидаги шаҳар.

ганини тушида кўраётган эди. Шаҳар йўлига бир қанча бўлинма чиқаришганди. Қизил байроқни узоқданоқ таниди. Қиличлар, қалқонлар қуёш нурида ялтирарди.

— Бизникилар, бизникилар! — дея бақирганча уйғониб кетди. Тикланди. Устидаги калтакесаклар қочди. Бандаргоҳга кўз ташлади. Ҳақиқатан ҳам қалъа қарши-сига бир флот келган эди. Кемалар, елканлар, эшакларнинг бичимига диққат била тикилди. Бўзарди. Кўзларини катта очди. Юраги гурс-гурс ура бошлади. Қўлларини кўксига қўйди. Булар турк кемалари эди. Қирроққа яқинлашиб келишарди. Кўзларига ишонмади. «Ажабо, тушим давом этаётганмикан?» деган шубҳага борди. Бироқ уйроқ одам туш кўрармиди?! Ишонч ҳосил қилиш учун қўлини тишлади. Ердан қиррадор бир тош олди. Пешонасига урди. Ҳа, мана, сезяпти. Уйроқ экан. Кўрганлари туш эмас экан. У ухлаётган пайтда кемалар бирданига келиб қолган бўлса керак. Қувончдан, ҳайратдан тиззаларида мадор қолмади. Шу ондаёқ чўкиб қолди. Қирроққа чиққан бўлинмалар қизил байроқ кўтарганча қалъа томонга илгарилаб боришарди. Қирқ йиллик интизорликнинг охириги азми билан қад ростлади.

Бирдан суяклари қисирлаб кетди. Гуллаган бодом дарахтларининг сояси қоплаган сўқмоқдан юриб кетди. Қирроқ томонга югурди, югурди. Қирроққа чиққан аскарлар оқ соқоли бир кексанинг ўзлари томонга чопиб келаётганини кўрди дегунча қичқиришди:

— Тўхта!

Қария тўхтамади, бақирди:

— Мен туркман, ўғилларим, мен туркман!

— ...

Аскарлар унинг яқинлашишини кутишди. Қария туркларнинг ёнига яқин келгач, олдига чиққан биринчи аскарни тутиб ўпа бошлади. Кўзларидан ёшлар шапқатор бўлиб оқарди. Уни кўрганларнинг ҳаммаси мутаассир бўлди. Ҳаяжонлари бироз босилгач, сўрадилар:

— Неча йилдан бери асирсан?

- Қирқ!
- Қаерликсан?
- Эдремитлик.
- Исминг нима?
- Қора Мамиш.
- Капитанмидинг?
- Ҳа...

Қариянинг атрофидаги аскарлар бирдан тўлқинланди. Шовқин кўтарилди. «Бейга хабар беринг! Бейга хабар беринг!» дея бақира бошлашди. Кексани қўлтиқлаб олишди. Бамисоли қушдек денгиз қирғоғига учириб олиб боришди. Бир қайиққа ўтқаздилар. Каттакон кемага чиқардилар. Аскарлар орасида унинг саргузаштларини билмаган, шуҳратини эшитмаган киши йўқ эди.

Палубада бироз турди. Қувончдан, қирқ йилдан бери орзу қилган уруғдошларини кўришдан ҳаяжонланган, эсанкираб қолган эди. Устига бир шалвор, елкасига тўн, бошига қалпоқ кийдирдилар.

- Қани, кетдик бейнинг ёнига! — дедилар.

Уни кемага олиб келган аскарлар билан бирга улкан кеманинг қуйруғи томонга йўналди. Қора, қалин соқоли, заррин тўнининг устидан пўлат совут кийган, барваста бир одамга рўпара бўлди.

- Сен капитан Қора Мамишмисан?
- Ҳа, — деди.
- Хизир алайҳиссалом ўтган ерлардан ўтган сенми-сан?
- Менман.
- Тўғрисини айтяпсанми?
- Нега энди ёлғон сўзлашим керак.
- Унда ўнг қўлингни оч, кўрайлик.

Қария тўни остидан қўлини чиқарди. Шимарди. Бейга узатди. Билагидан юқорида хоч шаклида чуқур жароҳат изи бор эди. Кечаси олти ой давом этадиган бир оролдан хотинини олиб қочаётганида шу еридан ярадор бўлганди. Бей унинг қўлларига ёпишиб, ўпа бошлади.

— Мен сенинг ўғлингман! — деди.

— Турғутмисан?

— Ҳа.

Кекса асир севинчдан ҳушдан кетди. Ўзига келгач ўғли унга:

— Мен қирғоққа жанг қилгани кетяпман. Сен кемада дамингни ол, — деди.

Собиқ қаҳрамон кўнмади.

— Йўқ. Мен ҳам бирга жангга чиқаман.

— Жуда қартайгансан-ку, ота.

— Лекин юрагим бақувват.

— Ором ол! Бизларни томоша қил!

— Қирқ йилдан буён жангга ташнаман.

Ўғли:

— Ўлдиришлари мумкин. Ватан ҳасратида кетасан, — дея уни кемада қолдирмоқчи бўлди. Қора Мамиш шунда бирданига яшарган қоплон янглиғ қад ростлади. Уни тўхтатиб бўлмасди. Қалқон, қилич сўради. Кейин кема қуйруғида ҳилпираётган байроқни кўрсатиб деди:

— Шаҳид бўлсам мени шу байроққа ўранг! Ол, байроқ ҳилпираган ер ватан эмасми, ахир?! — деди.

ОНТ

Мен Гўнанда туғилганман. Йигирма йилдан бери кўрмаганим учун бу шаҳар деярли хотирамдан ўчаёзди. Кўпгина жойлари нутилган эски тушга ўхшарди.

У вақtlари ёш юзбоши бўлган отам билан ҳар доим ёнидан ўтадиганимиз Бозор масжидини, унинг рўпарасидаги кичик, бузилган фавворани, устида минглаб тахта пайраҳалари оқадиган дарёчани, гоҳо ювинишга борадиган иссиқ сувли ҳаммомнинг чуқур ҳовузини ҳозир эслашга уринаман. Бироқ кўз олдимни унутишнинг оппоқ тумани қоплаб, рангларни ўчиради, бичимларни йўқотиб юборади. Узоқ айрилиқдан сўнг юртига қайтган одам туғилган ерининг уфқини қуюқ туман орасида кўриб, севган нарсаларини узоқдан аниқ

кўра олмаганидан қандай ҳузшлашса, мен ҳам худди шуздай, мароққа, сабрсизликка ўхшаш бир туйғу ҳис қиламан.

Ўша, ҳар оқшом ҳўкизлар, сигирлар ўтадиган тошсиз, тупроқ йўллар, устини йўсин босган черепицали томлар, йиқилай-йиқилай деб турган баланд деворлар, кичик тахта кўприклар, пастак тўсиқлар нуқул бу туман ичида эриб, йўқ бўлиб кетади.

Фақат уйимиз билан мактабни кўз олдимга келтира оламан.

Каттакон бир боғ... Ўртасида кўшк бичимида қурилган оппоқ бир уй. Ўнг томонида ҳар доим ўтирадиганимиз оқ дарпардали хона. Эрталаблари онам мени бир гўдак сингари дераза ёнига ўтқазар, дарс қилдирар, сут ичирарди. Деразадан кўринадиган ҳовлининг нариги томонидаги катта, пахса уйнинг биттагина ромсиз, ойпасиз деразаси бор эди. Бу қоп-қора тешиқдан жуда қўрқардим. Овқатимизни пиширадиган, кирларимизни ювадиган, полларимизни артадиган, отамнинг отига ем берадиган, ов итларини боқадиган оқсочимиз Абил она ҳар кеча айтиб берадиган қўрқинчли, охири йўқ эртаклардаги айиқ шу қоронғи дераза ортида ўтиргандай бўларди. Ана шу шубҳа ичида туш эшитиш ва таъбирлашни хуш кўрадиган бечора онамга ҳар кун и эрталаб тушимда айиқ кўрганимни айтиб ёлғонлар, катта бир айиқнинг мени ушлаб тоққа олиб кетганини, ўрмондаги инига қамаганини, қўлларимни боғлаганини, оғзибурнимни еганини, кейин Байрамиш йўлидаги сув тегиримонининг чархпалагига отиб юборганини айтиб берар, унга бир неча бор «иншооллоқ, хайрли бўлсин» деб айттирардим.

Онам айтган тушимни таъбирларкан, менинг катта одам, улуғ бир генерал бўлишимни, ҳеч ким менга ёмонлик қилолмаслигини айтар, буни эшитиб, бошим осмонга етар, ёлғон сўзлаганимни унутардим.

Қайси йўлларда, кимлар билан юрардим? Эслолмайман. Мактаб бир қаватли бўлиб, деворлари бўялмаган

эди. Эшикдан усти ёпиқ ҳовлига кириларди. Ундан на-
рида дарахтсиз чоғроқ боғ бўларди.

Боғнинг пастида ҳожатхона, таҳорат суви бўлган кат-
такон бочка. Ўғил болалар билан қизлар аралаш ўтири-
шар, бирга ўқир, бирга ўйнар эдилар. «Катта домла»
деганимиз сийрак сочини хинага бўяб юрадиган, бук-
ри, узун бўйли, қари ва овсарроқ бир кампир эди.

Унинг мовий кўзлари тешворгудай бўлиб тикилар,
эгри қуш бурни туклари тўкилган шум, касал қирғий-
ни эслатарди. «Кичик домла» эркак бўлиб, Катта дом-
ланинг ўғли эди. Болалар ундан ҳеч қўрқмас эдилар.
Чамамда бироз ҳафтафаҳм эди. Мен орқада, Катта дом-
ланинг энг узун таёғи ҳам етмайдиган ўриндиқда ўти-
рардим. Сочим сап-сарик бўлгани учун бўлса керак,
қизлар менга нуқул «Оқбей» дейишарди.

Ўғил болаларнинг каттароқлари ё исмимни айтиб, ёки
«Юзбошининг ўғли» деб чақиришарди. Синф эшиги-
нинг очилмайдиган тавақаси устида солланган йўқлама
рўйхати ясси, жонсиз бир юздек бизга боқар, қалин
деворнинг шипга яқин тор деразасидан кирган хира нур
тўхтовсиз бақириб-чақириб ўқиётган болаларнинг қаттиқ
чинқириқлари остида янада хиралашгандек туюларди.

Мактабда жазонинг фақат бир тури бор эди: Таёқ.
Каттароқ айб қилганлар, ҳатто қизлар ҳам фалаққа со-
линарди. Фалақдан қўрқмаган, титрамаган бола йўқ эди.
Кичикроқ айб қилганларга бериладиган жазонинг ўлчо-
ви ҳам, чеки-чегараси ҳам бўлмасди: Кичик домланинг
тарсакиси, Катта домланинг узун таёғи... бор эдики,
тушган бошни, албатта, дўмбира қиларди. Мен ҳеч калтак
емаган эдим. Балки аяган бўлсалар керак.

Фақат бир марта ёлғон гапирдинг деб Катта домла
қуруқшаган, қоқсуяк қўли билан чап қулоғимни чўзган
эди. Шундай қаттиқ чўзгандики, қулоғим эртасига ҳам
қизариб, ачишиб юрди. Ваҳоланки, айбим йўқ эди.
Тўғрисини айтгандим.

Боғдаги таҳорат бочкасининг жўмрагини қўпориш-
ди. Катта домла айбдорни излаб қолди. Бу ишни кўк

тўн кийган, қизил белбоғли, хаста, ориқ бола қилган эди. Кимлигини айтдим. Фалаққа ётқизиладиган бўлди. У бўйнига олмади. Шунда бир бола олдинга чиқди. У боланинг айби йўқлигини, жўмакни ўзи қўпорганини айтди. Ерга ётди. Додлай-додлай, таёқларни еди. Шунда Катта домла:

— Нега ёлғон сўзлаб, бу болага туҳмат қилдинг? — дея қулоғимга ёпишди, ранжиб, юзини буриштирди.

Йиғладим, йиғладим. Чунки ёлғон сўзламагандим. Ҳа, жўмакни ким қўпораётганини ўз кўзим билан кўрган-дим. Оқшом пайги ўқиш тутаб, тарқалаётганимизда таёқ еган болани ушладим.

— Нега мени ёлғончига чиқардинг? — дедим. — Жўмакни сен қўпормадинг-ку.

— Мен қўпордим.

— Йўқ, сен қўпормадинг. Анави боланинг қўпорганини ўзим кўрдим.

Индай олмади. Юзимга боқди. Бироз қараб турди. Домлага айтмасликка сўз берсам, бор гапни айтадиган бўлди. Мен дарҳол сўз бердим. Қизиқаётган эдим.

— Жўмакни Али қўпорди, — деди. — Буни ўзим ҳам биламан. Лекин у жуда заиф, бунинг устига хаста. Кўриб турибсан-ку, фалаққа дош беролмайди. Тўшакдан яқинда турди, балки ўлиб қолиши ҳам мумкин.

— Аммо унинг ўрнига нега сен таёқ единг?

— Нега бўларди? Биз у билан онт ичишганмиз. У ҳозир хаста, мен соғломман, кучлиман. Хуллас, уни қутқардим.

Унча тушунмадим. Яна сўрадим.

— Онт дегани нима?

— Ҳали билмайсанми?

— Билмайман!

Шунда у кулди. Мендан узоқлашаркан деди:

— Биз бир-биримизнинг қонимизни ичамиз. Бунга «онт ичиш» дейилади. Онт ичганлар қону жон дўстига айланадилар, бир-бирига ўлгунча ёрдам қиладилар, кўмакка шошиладилар.

Кейин билсам, мактабда кўпгина болалар ўзаро онт ичишган, жон дўстига айланишган экан. Ҳатто баъзи қизлар ҳам ўзаро онт ичишган экан. Бир куни энди билиб олган бу ишнинг қандай қилинишини ҳам кўрдим. Ўша орқадаги партада ўтиргандим. Кичик домла бизга орқа ўтирганча, шиллиққуртта ўхшаб, аста-аста намоз ўқиётган эди.

Икки бола ёғоч сопли қаламтарош билан қўлларини тилдилар. Сирқиб чиққан катта, қизил қон томчисини билакларига сурдилар. Қонларини аралаштирдилар. Сўнг бир-бирининг қўлини сўрдилар. Онт ичиб, жон дўсти бўлиш масаласи фикри-зикримни қамради. Менинг ҳам жон дўстим бўлсайди, домлага қулоғимни чўздирмас, мабодо фалаққа ётқизадиган бўлсалар, мени қутқарган бўларди. Каттакон мактаб ичида ўзимни ёп-ёлғиз, дўстсиз, ҳимоячисиз ҳис қилдим. Онамга фикримни, бошқа болалар сингари ким биландир онт ичиш истасимни айтдим. Онт нима эканини тушунтирдим.

— Бундай номақбул ишларнинг кераги йўқ. Ҳечам бундай қилма! — дея мени огоҳлантирди.

Онамга қулоқ солмадим. Фикр-зикримда онт ичиш. Бироқ ким билан? Бир тасодиф, кутилмаган бахтсиз ҳодиса туфайли жон дўсти топдим. Жума куни барча қўшниларнинг болалари боғимизга тўпланишарди. Оқшомгача бирга ўйнардик. Орқа томондаги уй эгаси Ҳожи Будоқнинг мен тенги ўғли бор эди. Унинг исминини жуда ёқтирардим. Исми Мистиқ эди. Бу сўзни айтишдан ниҳоятда лаззатланар ва кўп такрорлардим. Жуда оҳангдор бир сўз эди. Қизлар бу гўзал исмга ошғуфта бўлиб, Мистиқни боғда, кўчада кўрди дегунча жўровоз бўлиб мутуйиба қилар эдилар. Шеър ҳалигача ёдимда:

*Мустафо Мистиқ
Аравага қисдик.
Уч шам ёқдик,
Томоша қилдик.*

Қизлар қичқириб мутойиба қилишар, унга мушт дўлайтирар эдилар. Мистик ҳечам хафа бўлмас, кулиб қўярди. Биз ҳам бу мутойибани ора-сира қичқириб айтар, тегажқлик қилардик.

Бу мутойиба, ҳатто, менинг тушларимга ҳам кириб чиқадиган бўлганди. Тушимда бир тўда беор қизнинг уни катта муҳожир аравасига қисиб, атрофига уч шам ёқиб, томоша қилаётганини кўрардим. Нега Мистик бундай хокисор эди? Нега бирдан отилиб, бу қизларга тарсаки солмас, қисилган қатрон ҳидли аравадан қутулмас эди? Ҳаммамиздан кучли эди-ку!

Худди исмига ўхшаб бутун борлиғи: боши, қўлоқлари, гавдаси юм-юмалоқ эди. Барча болаларни курашда енгарди. Ёзда, ҳар жума куни эрталаб бир қучоқ тол новдаси олиб келарди.

Бу новдалардан ўзимизга от ясар, жирит¹ ўйнар, мусобақалашардик. Мусобақада ҳам у ҳаммамиздан ўзиб кетарди. Ҳеч биримиз унга бас келолмасдик. Хуллас, ана шундай жума кунларининг бирида Мистик тол новдаларини олиб келди. Узунини ўзимга айирдим. Бошқаларини болаларга тарқатдим. Қаламтарош билан новдаларнинг учини кесиб, пўстлоғидан икки қулоқ, бурун чиқарар, худди от бошига ўхшатардик. Бу ишда мен устаси фаранг эдим.

Ўзимга от ясаётгандим. Мистик билан бошқа болалар навбат кутаётган эди. Қандай бўлди, билолмай қолдим, тол пўстлоғи бирдан ёрилиб, орасидан тойган қаламтарош чап қўлимнинг кўрсаткич бармоғини кесиб юборди. Суюқ, қизил қон оқа бошлади. Шу паллада калламга бир фикр келди: онт ичмоқ. Бармоғимнинг оғриғини ҳам унутдим. Мистикқа:

— Кўрдингми, — дедим, — мана, бармоғим кесилди, кел, жон дўсти бўламиз. Сен ҳам кес.

Тайсаллади. Қора кўзларини ерга тикиб, бошини чайқади.

¹ Жирит — от миниб ўйналадиган мусобақа тури.

— Бўлмайди бу! Онт ичиш учун билакни кесиш керак.

— Азизим, ҳеч нарса қилмайди, — дея оёқ тирадим. — Бу қон эмасми? Ҳаммаси ҳам бир. Билақдан бўлди нима-ю, бармоқдан бўлди нима? Қани, бўл тез!

Қарши туrolмади. Қўлимдан қаламтарoшни олиб, билагини анча чуқур тилди. Қони шу қадар қуюқ эдики, оқмади, томчи ҳолида шишиб, катталаша бошлади. Бармоғимнинг қони билан аралаштирдик. Аввал мен эдим. Бу нордон, иссиқ бир нарса эди. Кейин у бармоғимни сўрди.

Билмайман, орадан қанча вақт ўтди. Балки олти ой, балки бир йил. Мистиқ билан жон дўсти бўлганимни унутиб юборгандай эдим. Яна бирга йнар, мактабдан уйга бирга қайтардик.

Бир куни ҳаво жуда иссиқ бўлди. Катта домла пешин вақти бизни дарсдан озод қилди. Мистиқ билан чанг, тупроқ йўлдан аста-аста кетиб борардик. Мен рўмолчамни фесимнинг¹ остига қўйгандим. Теримни арта олмаганим учун юзим жиққа ҳўл бўлганди. Катта, кенг йўлдан борардик, чеккада йиқилган деворнинг қолдиқлари бор эди. Бирданига рўпарадан катта, қора ит чиқди. Чопиб келаётганди. Орқасидан таёқ кўтарган бир нечта киши уни қувиб келарди. Бизга «Қочинглар, қочинглар, тишлайди...» деб бақирарди. Қўрқиб, эсанкираб, қотиб қолдик. Аввал мен ўзимга келдим. «Дод, қочайлик», дедим. Кўзларидан ўт сочган ит ёнимизга етиб келганди. Шунда Мистиқ: «Сен орқамга яширин!» деб ҳайқирганча олдимга ўтди. Ит унга ташланди. Дастлаб зарб билан бир-бирига урилишди. Сўнг худди кураш тулаётгандек юзма-юз бўлдилар. Кўппак ҳам оёққа туриб олганди.

Бироз олишгандан сўнг, иккови ҳам ерга ағанади. Мистиқнинг кичик феси, рўмоли тушди. Бу олишув

¹ Фес — туркча қизил рангли бош кийим.

менга узоқ давом этгандай туюлди. Титраётгандим. Таёқли амакилар етиб келишди. Бор кучлари билан итнинг бош-кўзига бир неча бор зарба бердилар. Мистик кутулди.

Бечоранинг қўллари, бурнидан қон оқаётган эди. Ит думини қисганича бошини қуйи солиб, қочиб қолди. Мистик: «Ҳеч нарса бўлмади. Оғримаяпти. Бироз тирналди» дерди. Уйига олиб боришди. Мен ҳам дарров уйимизга югурдим. Бўлган гапни онамга айтиб бердим. Абил она мени ерга ётқизди, қорнимни силади, қўрқув томирларимни босди. Бир дуо ўқиб, юзимга куф-суфлади, саримсоқ ҳидидан аксириб юбордим.

Эртасига Мистик мактабга келмади. Индинига ҳам келмади. Онамга Ҳожи Будоқларникига бориб, Мистикни кўришимиз кераклигини айтдим.

— Хаста экан, болагинам, — деди. — Иншооллоҳ, яхши бўлгач, яна бирга ўйнайсизлар. Ҳозир уни безовта қилиш айб бўлади.

Шундан кейин ҳар куни эрталаб Мистикни соғайган ҳолда кўриш умидида мактабга кетдим.

Бироқ у ҳеч келмади. Ит қутурган экан. Даволатиш учун Мистикни Бандирмага, у ердан Истанбулга олиб кетишди.

Охири бир куни Мистикнинг вафот этганини эшитдик.

Эрта турган кунларим очиқ, булутсиз осмон, бошқалар каби, менга болалигимни хотирлатади.

Жуда қадимий ва хира кунчиқар юрти сингари ёдимда қолган туғилган еримни кўз олдимга келтиришга ҳаракат қиламан. Ва нуқул ҳузн билан чап қўлимнинг кўрсаткич бармоғига қарайман. Ҳаётини барбод этган мард жон дўстимнинг иссиқ лабларини яна бармоғимнинг учида ҳис қиламан, биринчи бўғиннинг устидаги оқиш бир чизикда мени қутқариш учун ўзидан катта, қутурган, ҳайбатли, қора чўпон ити билан олишаётган арслоннинг кўланкасини кўраман.

КАМАЛАК

Ёшгина Ойша эрталабдан бери моки ураётган баланд бўз дастгоҳи ёнидан турди. Ҳорғин-ҳорғин керишди. Бутун уйда у ёп-ёлғиз. Отаси акалари билан кеча тонг саҳардан шаҳарга, бозорга кетганди. Онаси опалари билан қўшниникида, балки Зоимларникида эди... Кўзларини ишқалади.

Секингина даҳлиз деворига осиглиқ сариқ гардишли кўзгуга яқинлашди. Ўзига боқди. Катта қора кўзлари ҳануз уйқуси ўчмагандай кўринарди. Ёноқлари қипқизил, қалин тимқора сочлари паришон. Яна керишди. Керишаркан сузук кўзларини, титроқ юпқа дудоқларини, мармардай оқ бўйнини гўё энди кўраётгандек ҳайратланди:

— Нақадар сулувман, бор-э, — дея кулди...

Бошини эгди. Бутун вужудига, кўк шиппагидан бўйнининг кўра олган жойигача диққат билан разм солди. Яна ойнага қаради. Ўгирилди. Сочларини қўллари билан ҳурпайтирди. Эндигина ўн ёшга кирган бўлишига қарамай, катта қизлардек дуркун, жуссадор эди. Икки кун аввал Зоимларнинг тўйида узоқ қишлоқлардан келганлар унинг бу қадар вояга етганини кўриб, ҳайрон бўлган эдилар. Бунинг устига у шундай кучли эдики... тенгдош ўғил болаларни бир ҳамлада кўтариб ерга урарди. Унга «Паҳлавон Ойша» дейишарди. Ўғил болалар сингари от миниш, ўқ отиш, кураш тушиш, ўмбалоқ ошиб ўйнашни жуда яхши кўрарди. Бироқ...

Бироқ катта бўлган сари ниҳоятда севадиган бу ўйинларидан воз кечиши лозим эди. Ўтган куни булоқдан қайтаётганида қишлоқ имоми, Бўри Домлага дуч келганди. Жини ҳеч ёқтирмайдиган бу вайсақи чолнинг қоксуяк қўлини ўпаётганида у:

— Ҳой, Ойша қиз, онангга айт, сенга ўртик ўрасин. Энди очиқ-сочиқ юриш сенга тўғри келмайди, — деганди.

Эртага ёхуд индинга у ҳам ҳар бир вояга етган қиз каби ҳижобга киради... ва, демакки, жонидан бездирган шу уйда, шу дастгоҳ бошида ўлгунча маҳбус бўлиб яшайди.

Отлар, милтиқлар, курашлар, тош кўтаришларнинг ҳаммаси билан видолашишга тўғри келади... Қўли билан сочини орқага ташлади. Ойнага яна диққат билан тикилди. Нақадар гўзал! Лекин бу ҳусннинг, бу қалин сочларнинг, бу қора кўзларнинг, бу ол ёноқларнинг унинг учун ҳеч бир қиймати йўқ эди. Уф тортди.

— Оҳ, қани эркак бўлсам эдим... — деди.

Оҳ, қани энди эркак бўлсайди... Ҳамон оловланган болалик хаёли уни мантиқсиз ғалати ўйлар гирдобига ташлади. Нималар қилмасди! Аввалига фақат Бўзқоянинг эмас, балки бутун туманнинг бош паҳлавони бўлган бўлурди. Ундан кейин... Машҳур алп йигитга айланган... ва, албатта, Зонимўғилларининг кичик қизига уйланган бўларди. Жангларга қатнашиб, кўксини нишонларга тўлдирад, тоғларни ошиб, қишлоқнинг жасур йигитлари сингари ҳафталаб айиқ овлашга кетарди.

Кўзгү ёнидан нари кетди. Яна секин қадам босиб, дераза томонга юрди. Дераза тоқчасига тирсагини таяди. Ҳаво ярим очиқ бўлиб, булутлар сузиб юрарди. Юз қадам нарида. Бўри Домланинг боғида хўрозлар қичқира бошлади. Пешин вақти яқинлашган бўлишига қарамай, худди эндигина тонг отаётганга ўхшаш тотли бир хаёлот ҳукмрон эди. Ора-чўра ёмғир ёғиб қўярди. Ойша ҳаёл уммонига ғарқ бўлди. Жонсиз ҳайкал каби қотиб қолган эди.

Лекин... Бирданига юраги гурс-гурс ура бошлади.

Бўзарди. Нафаси тутилди. Ажабо, ўша гап чинми-кан? Ёлгон бўлиши мумкинми? Қизарди. Бошини кўлларининг орасига олди. Ҳа... Бу қадар яқин тушган камалакни умрида ҳеч кўрмаганди. Қишлоқ ортидаги Қуруқдарага кетадиган йўл атрофидаги арчагуллар, бўзтиканларнинг ўртасидан пушти, мовий, яшил, сариқ, бинафша, қизил, малларанг қалин, жуда қалин бир ка-

—
малак чиқиб, нурли камондай ҳавога узанган эди... Камалакнинг бир учи арчагуллар ўртасига тушганди... Ойшанинг юраги янада тез-тез ура бошлади. Бўлса шунчалик бўлар, энди югуриб қишлоқ яқинига тушган бу камалак остидан бир қарра ўтиб олса борми...

Эркакка айланиб қолган бўлурди!

Бунга ҳеч шубҳаси йўқ эди. Кўп ўйлаб ўтирмади. Деразадан узоқлашди. Пиллапоялардан тушди. Боғдан ўтди. Кўчага отилди. Оёғини қўлга олганча чопиб кетди. Атрофни кўзи илғамасди. Югурди. Югурди.

«Камалак сўнимасдан бурун етиб олсам бўлгани» дея бор кучи билан чопди. Чопди. Кесиб чиқиш учун хандаклардан ҳатлади. Экинларни пайхон қилиб кетаверди. Тепаларга тирмашди. Арчагулларга ўзини урди. Ёмғир ёғишда давом этарди. Югурди. Югурди. Югурди. Этаги бугаларга илинар, қўллари, юз-кўзлари тимдаланарди. Ниҳоят камалакка элик қадамча яқинлашди. Мадори қуриган эди. Бир ғайрат... Яна бир ғайрат қилса...

Ҳаллослаганча камалак остидан ўтди.

— Уҳ! — деди.

Ҳануз ёмғир ёғар, булутлар орасидан қуёш кўзга ташланар эди. Югураркан, оёқларидаги шиппакларни отиб юборганди. Пайпоқлари йиртилган, тикану тошларга урилган оёқлари қонталаш бўлганди. «Бироз дам олай» дея арчагуллар устига узанди. Ёмғир гоҳ кучаяр, гоҳ секинлашарди.

Оёққа туриб, ҳайрон бўлди. Бўйи чўзилган, мурсаги йиртилган, торайган этаги белида қолган эди. Жиққа ҳўл юзига қўлини узатди. Бармоқлари мўйловига тегди. Ўзига разм солди. Барзангидай бир йигит бўлибди! Аммо эгнидагилар эркак либоси эмас.

— Уйга борай, шуларни алмаштирай, — деди.

Юрди. Шундай кучайган эдики... Ҳалигина ярим соатда югуриб ўтган йўлни уч одимда босиб ўтди. Ҳар томонга иссиқ қуёш нур сочаётган эди. Жуда чанқатганди. Очиқ қолдирган эшикдан ичкарига кирди. Аввалига чанқови қонгулча сув ичди. Кейин юқорига чиқ

ди. Қулфлорлиқ сандиқни бузиб, акасининг кишилик кийимларини олди.

Кийди. Жуссасига анча тор келди.

Девордан милтиқни ҳам олди, елкасига осди. Ташқарига чиқди. Ҳар томонни қалин туман қоплаган эди. Кўчанинг бош томонидан довул, сурнай сасларини эшитди. Тўғри ўша томонга юрди. Йўлда ўйнаб юрган болалардан не бўлаётганини суриштирди.

— Зоимларнинг тўйида кураш бўларкан, — дедилар.

— Уларнинг тўйи уч кун олдин бўлганди-ку.

— Энди улар кенжа қизларини узатишяпти...

Кенжа қизларини, Гулсумни-я... Бирданига жаҳли чиқди. Энди у эркак эди-да! Бу кичкина чароскўз қизни ўзи олмоқчи эди. Югурди, Масжид майдонидан ўтди. Пешин намозидан чиққанлар унга қарашар, таний олмас эдилар. Тўйхона ҳовлисига кираркан, майдонга тушган алп сингари наъра отди:

— Мард бўлса майдонга тушсин! Йўл беринг!

Ҳамма унга қаради. Танимадилар. Довул, сурнайлар чалинаётган, ўртада паҳлавонлар жуфт-жуфт бўлиб кураш тушаётган эди. Ким эканлигини айтмади.

— Хуш келибсан, азамат, кимлардансан? — деганларга жилмайиб:

— Кейин биласиз, — дерди.

Полвонларга бақирди:

— Менга қарши икки кишилашиб курашадиган бор бўлса, майдонга чиқсин!

Аёллар, эркаклар, бутун қишлоқ аҳли ҳайрон бўлди. Шивир-шивир бошланди. Ўрнидан турган Бўри Домла ҳам жуббасини орқасига отиб, уни яхшироқ кўриш учун кўзойнагини тақиб олди. Ҳозирга қадар бир кишининг икки полвон билан курашганини эшитишмаган эди. Ойша баданини ёғлади. Чарм шим кийди. Унга қарши жуфт-жуфт бўлиб чиққан полвонларни чирпирак қилиб ерга урди. Мукофотга берилган катта ҳўкизни бир кўзидек қўлтиқлаб олди дегунча, халойиқ ҳайратдан бақира бошлади:

- Қаерликсан йигит?
- Кимлардансан азамат?
- Яша, яша!

Довуллар, сурнайлар тинди. Ҳовлидагиларнинг ҳам-маси атрофига йиғилди. Ойша:

- Мен Бўзқояданман!.. — дея ҳайқирди.

Ҳамма бир-бирига боқди. Қишлоқдагиларнинг ҳам-маси шу ерда эди. Ҳеч ким уни танимади.

- Йўқ, сен бўзқоялик эмассан.

— ...

- Нима, биз ҳамқишлоғимизни танимаймизми?

— ...

- Мазах қияпсан!

Чидамади. Кулиб юборди.

- Мен Ойшаман...

Халойиқ шовқин кўтарди.

- Қайси Ойша, қайси Ойша?...

- Ҳожи Маҳмаднинг Ойшаси...

Қишлоқ аҳли ишонмади. Ойша бақира-бақира қан-дай югурганини, камалак остидан қандай ўтганини, қан-дай қилиб эркакка айланганини сўзлади, ниҳоят сўради:

- Гулсумни ким оляпти?

- Оқсоқолнинг ўғли Ҳасан, — дедилар.

- Дарров олдимга келсин...

Кўпчилик ичидан Ҳасанни топдилар. Ойша полвон-га рўбарў қилдилар.

- Ким никоҳ ўқиди?

- Бўри Домла...

— Бўри Домла денг... Уни ҳам олиб келинглар, кўрай-лик.

Бўри Домлани олиб келишди. Барчага буйруқ бера-диган, доимо қовоқ осиб юрадиган, ҳеч кимни тингла-майдиган Бўри Домла энди ювош тортиб қолган, қўл қовуштириб турарди. Ойша деди:

- Ҳой, галварс Ҳасан, Гулсумни талоқ эт...

- Талоқ этмайман.

- Талоқ эт деяпман!

Шундай деди-ю, бирдан қизил белбоғидан ушлаб, даст кўтарди.

— Вой, вой, вой... Лекин пол...

— Қўй дедим, бўлмаса ерга уриб, миянгнинг қатиғини чиқараман.

— Талоқ, уч талоқ этдим!..

Бечора Ҳасан ҳавода бақирар эди. Ойша уни секингина ерга қўйди. Кейин Бўри Домлага юзланди:

— Мен билан Гулсумга никоҳ ўқи! — деди.

— Ўқий олмайман...

— Бундай дема, домла!..

— Ўқий олмайман.

— Ўқи деяпман.

— Ўқимайман.

— Нега ўқимайсан? Тўғри келмайди, фалон-писмадон деган гапларингни йириштир, ўқийсан, тамом вассалом.

— Ўқимайман.

Ойша Ҳасанга талоқ бердирганидай, ҳавода никоҳ ўқитиш учун Бўри Домланинг белбоғидан ушлади. Бир ҳамлада даст кўтарди.

— Қани тез ўқи, бўлмаса, ерпарчин қиламан.

— Ўқимайман.

— Ўқи дедим, бўлмаса, чатоқ бўлади.

— Ўқимайман, ўқимайман.

Ойша қаттиқ газабланди. Ҳеч жини суймайдиган золим ҳарифни айлантирди, айлантирди. Сўнг осмонга шундай бир отдикн....

Лекин Бўри Домла ерга тушмади! Ҳавода муаллақ қолди. Ҳавода турганича бақира бошлади:

— Ҳой ҳамқишлоқлар!.. Билиб қўйинг, бу эркак эмас. У қиз. Уни ҳижобга киритиш керак, бундай юриши мақбул эмас.

Ҳовли ичидаги халойиқ уяси бузилган арилардек ғужғон ўйнай бошлади, Бўри Домланинг товушида:

— Мақбул эмас, мақбул эмас!.. — дея қўрқинчли шовқин кўтарди. Ҳаммасининг қўлида қалин, қора ҳижоб,

қирмизи пешгирлар... Ҳижобга солиш, ҳижоб тагида бўйиш учун унга ҳужум қила бошладилар! Ойша силкинди. Бир наъра тортди. Милтиғини олди.

Қўндоқ билан ура кетди. Ҳаммасини тирқиратиб қува бошлади. Дуч келганнынг белига солар, ерга думалатарди. Фақат Бўри Домла этаклари қанотдай очилган жуббасида ҳавода учиб юрарди. Ойша қишлоқ кўчалари бўйлаб қўлларида ҳижоб, пешгир тутган кишиларни кувлаб борарди. Масжид майдонидан ўтаётганида Бўри Домланинг кузғун сингари минорага қўнганини кўрди.

Дарҳол масжид ҳовлисига отилди. Минора зинапояларидан оҳиста чиқаркан, ичида:

— Қани энди шу пасткашни қўлга туширсам ... — дерди.

Минора айвонига чиқди дегунча Бўри Домлани ушлаб олди.

— Тўғри келмайдими-а, қани кўрайлик?! — дея ҳиқилдоғидан олди. Бўга бошлади. Домла жон ҳавлида типирчилади. Гурсиллаганча минора айвонига йиқилди. Ойша пастга ағдарилди. Калласи ерга қарсиллаб урилди.

Кўзини очиб, бошига мушт тушираётган отасини кўрди.

— Тўнғиз, нима бор сенга бу ерда?!

— ...

Ёмғирда шалаббо бўлган, яшил ва қалин арчагуллар орасида ётарди. Онаси, акаси, оқсоқолнинг ўғли Қўружу Ҳасан, яна бир нечта қўшнилари устида туришарди...

— Бу ерда сенга нима бор, шунча овора қилдинг, тўнғиз!..

Ҳалигина белбоғидан ушлаб ҳавога кўтарган Ҳасан унинг ёнини олди:

— Энди қилмайди оға, энди қилмайди... — дерди у.

Хуллас, уни пешиндан бери қидиришаётган эди. Унинг бирдан йўқолиб қолгани бутун қишлоқ аҳлини ташвишга солганди. Уч-тўрт соатдан буён ботқоқ кечган отаси ҳеч жаҳддан тушмас, уйда кўрсатиб қўйишини айтар, кўзларини қисиб, бош чайқар эди.

сас эшитилди:

— Топдингизми. Маҳмад оға?

— Топдик, домла жаноблари...

Ойша юқорига қаради. Бўри Домла бошяланг, яланг-оёқ, қўллари шимарилган ҳолда уйининг айвончасида калайи қумғони билан таҳорат олаётган эди.

— Қасрда экан?

— Арчагуллар орасида. Ухлаб қолибди...

— Бу ёмғирда у ерларда нима бор экан...

— Айтмаяпти бу тўнғиз.

— Ҳижобга тиқинг, ҳижобга... Энди унинг очиқ юриши мақбул эмас.

Бечора Ойша овоз чиқара олмас, уяганидан ерга кириб кетгудай бўлиб, босаётган балчиқларга боққанича, бутун вужудини қақшатган қаттиқ ҳиқиллашлар билан ҳўнгир-ҳўнгир йиғлаб борарди.

ВАСИЯТНОМА

Суюкли жияним! Бу кеча даҳшатли бир бўҳронни бошдан кечирмоқдаман. Энди ўлмоққа қатъий қарор бердим. Тўшпончани ўқладим. Мана шу ерда, столимнинг устида турибди. Бироқ калламга тирамасдан олди охириги вазифамни адо этишни истайман. Охириги вазифа...

Бу нима эканини, табиийки, ўзинг биласан. Васиятномамни битмоқ! Ҳа, қўлингдаги мана шу қоғоз менинг васиятномамдир! Сен шу сатрларни ўқиётганингда бечора тоғанг ёруғ дунёдан ўтган бўлади! Хўш, у қаерда? Оташ гурилаган бир ерда... Яъни жаҳаннамда! Малакларнинг қамчисини еб, инграб ётибди.

— Нега ўзингни ўзинг ўддирдинг, айт, бедин қотил?
— дея берилган охират сўроқларига каловланиб, бир
жўяли жавоб беролмайман.

Хўш, нега ўзимни ўзим ўддирмоқчиман? Бунинг са-
бабларини ўзим ҳам билмайман. Бой-бадавлатман. Кай-
фу сафодан, хотин-халаждан, қимору ичкиликдан без-
дим. Пулим тутагани йўқ. Беш йил ичида устма-уст
бешта мерос тегди. Бироқ энди яшагим келмай қолди.
Бу кеча видолашаман. Бир ўқ! Сўнг эса зулмат... Кей-
ин... Кейин... Қани мумкин бўлса-ю, у ердан сенга бир
мактуб йўласам! Ҳар ҳолда бу дунёдан яхши бўлса
керак! Кел, яхшиси, бу гапларни йиғиштирайлик. Сен-
га қолдираётган элик минг лирани қуйидаги дастурга
қўра сарфлайсан:

1. Ҳар доим бир вақтнинг ўзида тўртта ўйнаш туг-
моқ.

2. Қишларни Миср, Италия, ёзларни Швейцария, Гер-
маниянинг энг катта шаҳарларида, энг муҳташам меҳ-
монхоналарида ўтказмоқ!

3. Қимор, ичкилик, кайф-сафони чин дилдан яхши
қўрмоқ.

Хуллас, яшамоқ, яшамоқ! Яшамоқ! Мен энди элик
ёшга кирдим. Жуда чарчадим. Бу дастурга риоя қилол-
маяпман. Сен паҳлавон келбатинг, соғлом орзуларинг
билан мен қолдираётган пулларни бемалол тасарруф эта
оласан. Бунга ишончим комил. Дунёдан кўзи очиқ кет-
майман.

Алвидо, суюкли жияним, алвидо.... Монакода кази-
нонинг муҳташам айвончасида мени ёд эт!

Алвидо...

Тоғанг Баёз.

P.S.: Эрталаб, соат саккиз.

Албатта, юрагинг қувончдан потирляпти! Лекин чуч-
варани хом санабсан, жияним... Кеча тунда мента бир
бало бўлди. Афсуслар бўлсин, тўпнончани қўлимга олиб,
томоғимга тирай олмадим. Шу қадар беҳол эдим. Сенга

нимасини айтай. Юлия келган эди. Юқорида ёзганларимни ўқибди. Сўнг менга юзланиб, таъна ёғдира бошлади... Ўзимга келар-келмас момик билажларидан тутдим. Бироқ... Оҳ, менинг ўрнимда сен бўлишинг керак эди! Ахир, бу бўладиган ишми?! Мен уни қандай забт этай?.. Ўн етти ёшида! Кетворган, қадди қомати келишган бир ланка, аммо лекин туғмаган байталдай кучли...

— Ҳой, ашаддий хотинбоз! Нима бало, ақлдан оздингми? — дея бақирди.

Жавоб беролмадим.

— Жиянинг бўлган у тасқарага васият қилган ишларни ўзинг қила олмайсанми? — деб сўради.

— Ҳайҳот! — дедим.

— Бўл алдоқчи, қугурган қария! Қани, бироз ғайрат қил! Ўрнингдан тур, бир кўрайлик. Хўппа, хўппа!..

Ўрнимдан турғазди. Тиззамга ўтирди. Худо ҳаққи, бирдан йигирма беш ёш яшардим. Гаплашдик, келишдик. Тўппончани деразадан боққа улоқтирди. Энди ёши йигирмадан ошмаган уч дугона топмоқчи. Бутун йўлга тушамиз. Мен юкларимни ҳозирлатдим. Уни кутяпман. Кутаркан, сенга шу сатрларни ёзаяпман. Тўппатўғри Монакога кетамиз.

Овқатдан олдин, айвончада қуёш ботишини томоша қиларкан сени ёдга олайми?

Алвидо, сўюкли жияним, алвидо...

ВАЛИНЕЪМАТ

Ўтган куни ҳаво қандай яхши бўлган эди. Математик Ҳасан билан Ҳуррият тешасига кетдик. Бомантига қадар бордик. Қиш уйқусидан ҳали уйғонмаган туманли Қоғозхона, мовий, мудроқ Халични юқоридан томоша қилдик. Ҳасан дарров Лола даврига¹ оид риво-

¹ Лола даври — XVIII аср бошлари; ўша вақтлари лола урф бўлган.

ятлардан лоф ура бошлади. Куёв Иброҳим Пошо ҳисоб-китобдан беҳабар ҳиссиётчан одам бўлгани учун қирқ иккинчи йил исёнини олдиндан тахмин этиш у ёқда турсин, ҳатто ўзини тилка-пора қилгунларига қадар тушунмаганини валақлади.

— Домлажон, ўтган гапларни қўй! — дедим. — Бутунни ўйлайлик. Бу ёзда бу ерларда дам олсак бўларми-кан?

— Қорозхонадами?

— Ҳа.

Оқ оралаган қалин қошларини керди. Ёлқинланган қора кўзлари қинидан чиқай деди. Кичик, қолипсиз фесининг остида янада каттароқ кўринган хум калласини чайқади.

— Сен жинни бўлибсан! — деди.

— Нега?

— Ҳой хумпар, ахир, ҳозир аввалги даврнинг нархи қолдими, бир кўзига отнинг калласидай пул сўрашаётган бўлса.

Ҳасан ўн беш йил олдин менинг математика ўқитувчим бўлган эди.

Мактабни битирганимдан сўнг дўст бўлдик. Энди у билан суҳбатлашаркан, кубистлар чизган ажабтовур расмларни кўрганда ҳис қиладиган ўша «эстетик, ярим геометрик» завққа ўхшаш туйғулар ичида қоламан. Унинг кўзларида ўтмиш, бугун, келажак... ҳаммаси очиқ-ойдин акс этарди. Билиб бўлмайди, деган гапга ҳеч тоқати йўқ. Энг мўраққаб, энг қийин нарсаларни ҳам математика мантиғи билан дарҳол ҳал қилиб ташлайди. «Икки карра икки тўрт» қабилда аниқ ҳукмлар чиқаради. Айни вақтда ўтакетган насиҳаттўй... Нимадан гап очманг, сизнинг ёки баҳс қаҳрамони бўлган кишининг қаёғига оид мақбул бир гап айтади. Насиҳатомуз бир гапни ўртага ташлайди. Фақат қизаради. Ҳолбуки, унга кўра, бугун ҳаёт янглишдан иборат!

Зеро, унинг фикрлаш тизими ҳеч кимда йўқ. Калласидаги мантиқ, ҳисоб, рақам табиатда йўқ!

Шунга қарамай мен унинг роял ралати кўринган фикрларини эшитишни хуш кўраман. Мажҳул тушунчаларнинг ҳақиқат ташқарисида «бўшлиқдаги муаллақ тош» каби солланиб туришини эшитишдан ниҳоятда завқланаман. Бутун ҳам у англизларнинг «тўрт ҳисоб»ни билмасликлари ҳақида сўзлади. Урушнинг чўзилиб кетишига ҳам янглиш ҳисоб сабаб бўлган!

Мен ора-сира эътироз билдириб қўйгандек бўлар, бўм-бўш йўл устида сабодай ёқимли, тоза ҳавони ҳидлардим.

Рўпарамиздан келаётган автомобилни кўрдик. Йўл четига чиқдик. Бу жонланган катта пианино сингари ялтироқ, қора, муҳташам машина эди. Ёнимиздан учиб ўтди. Биллурдек ойналарининг ортидан гўзал аёл билан ёш йигитнинг юз-кўзи кўзга кўланка янглиғ ташланди. Ундан кейин ўткир бензин ҳиди димоққа урилди...

Орқадан овоз эшитилди:

— Ҳасанбей!

Иковимиз ҳам ўтирилдик.

Автомобиль тўхтаган эди. Калта мўйловли буғдойранг бир йигит табассум қилиб биз томонга келаверди. Унинг ким эканлигини сўрашга улгурмадим. Кетворган қора пальтоси, бўйнидаги ялтироқ қундуз ёқа гўё мени сеҳрлаб қўйгандай бўлди. Етиб келди. Ҳасаннинг қўлларини тутди. Икки қўли билан қаттиқ силкиб кўришди.

— Қандайсан, валинеъматим?

— Жуда яхши.

— Бу ерда нима қияпсан?

— Тоза ҳаво олаётган эдик...

Мен ҳайрон бўлдим. Логарифмачининг туклари тўкилган маллараинг пальтосига қараб, у бу ёш йигитга қанақасига валинеъмат бўлиши мумкинлигини ўйлаб кетдим.

— Қалай, бир миллион ишладингми?

— Худо ҳаққи, ҳали унга етказа олмадим...

— Хўш, қанча бўлди?

— Аҳамияти йўқ... Тўрт юз минг лирам бор...

Мен қулоқларимга ишонолмадим. Ҳасан оғзини тўтбурчак шаклида катта очганча қудди. Совуқдонлик билан:

— Ишла, яна ишла! — деди.

— Ишлайман. Сен менинг валинеъматимсан. То ўлгунча сендан миннатдорман.

— Астаффуруллоҳ.

— Худо ҳаққи, ҳамма жойда ҳаммага айтаман бу гапни. Агар сен менга йўл кўрсатмасанг, ҳалигача чоримни судраб юрган бўлардим.

— Азизим! Сенинг омадинг бор экан. Мен сенга пул эмас, насиҳат бердим. Бир гап айтдим холос, гапнинг ўзи билан иш битмайди-ку.

— Бир гап, лекин пир сўзи...

Ҳайратдан эсим оғаёзди. Тилим тутилди. Олдинда турган автомобилнинг орқа ойласида бир аёлнинг қимирлаётганини сал-пал фарқлар, пўрим йигитнинг логарифмачи билан суҳбатини эшитаётган эдим. Аёл қаллиғи эмиш. Кимнинг қизи эканини айтди. Истанбулнинг энг оқсуяк, энг қадимий, энг мартабали оилаларидан бирининг исмини эшитдим. Автомобилини уч минг лирага олибди... Жимгина қараб турардим. Ўрта бўйли эди. Тўла бўлгани учун шундай кўринган бўлса керак. Қуларкан, олд тишлари платина қопламали экани кўзимга чалинди. Буғдой ранг юзи роҳат-фароватда яшайдиган бахтиёр бойларники сингари топ-тоза, силлиқ эди. Юпқа қошлари остидан табассум қилаётган кўзларида ҳар ҳолда катта ақл нишонаси кўринмасди. Бироқ бу катта, семиз бўрун... Эгасида калла қўйишга ҳозир нозир қўчқор шижоати борлигига ҳеч шубҳа қолдирмасди. Ҳасан билан хайрлашди. Менга қарата бош силкиб қўйди. Уни қутаётган машинаси томон тез-тез юриб кетди. Орқасидан қараб қолдик. Мен ҳалиям ўзимга келолмаётган, бирон нарса сўролмаётган эдим. Машина қаттиқ шовқин чиқарганча жўнаб кетди.

— Бу ким? — дедим. — Бу тўрт юз минг лирали одамга қанақасига валинеъмат бўлдинг?

— Айтай, — дея жилмайди.
Кимсасиз йўлда олдингидай аста юришда давом эт-
дик.

— ?..

— Математикада бўлгани сингари, ҳаётда ҳам баъзи назариялар бор. Тўғрилиги аниқ бўлиб турган нарсаларни одамлар назарга илмайди. Масалан: «Ҳар бир одам ўз ишини ўзи ҳал этса, бировнинг бировга эҳтиёжи қолмайди!»

— Худо ҳаққи. ҳикматли гапларни бас қил, — дея ўтиндим. — Бу бойвачча ким, шундан гапир.

— Мен ҳам шуни айтмоқчиман.

— Қани бошла-чи, эшитайлик.

— Мен Селаникда эканлигимда бу бола менинг малайим эди, — деди.

Қотиб қолдим: орқага бир одим тисландим.

— Малайинг? — дея қичқириб юбордим.

Логарифмачи қўлларини орқасида тутганча юришда давом этаркан, ҳар доимгидай совуққонлик билан жавоб берди.

— Ҳа, малайим эди. Мен Болқон урушидан кейин Измирга кетгандим. Бир йилдан сўнг Истанбулга келдим. Бир куни «Масаррат» меҳмонхонасининг ёнидан ўтиб кетаётгандим. Қарасам, бизнинг Аҳмад...

Ўпиш учун қўлимни олди. Уст-боши афтода. Нима қилаётганини сўрадим. «Ҳеч нарса, деди, бекорчиман». Сўнг торганиб-қимтиниб мендан бир лира сўради. Не сабабдан, нега пул беришим кераклигини сўрадим. «Худо урсин, икки кундан бери очман, ҳеч бўлмаса беш қуруш бер. Бугун қорнимни тўйдирай», деди. Шунда ўйлаб қолдим. Бу бола ҳам кўпгина қочоқлар сингари дайдига айланган эди. Эҳтиёткорлик билан саволга тутдим. «Икки кун илгари қорнинг тўядиган даражада пулинг бормиди?», деб сўрадим. «Ҳа», деди. Уч кундан кейин оч қолиши мумкинлигини олдиндан нега ўйламаганини сўрадим. Жавоб бермади, боши ҳам бўлди. Шунда унга Катонни эслатдим.

— Катон дегани нима? — деб сўради.

— Катон Селаникдаги итимнинг исми...

Бу итнинг яққол кўриниб турадиган хусусияти «ке-
лажак ташвиши» эди. Ўзига берилган суякларнинг беш-
дан бирини ҳам емас, боғнинг марзаларига кўмиб, яши-
риб қўярди. Ҳа шундай, энг тўқис, энг фаровон ку-
ларда ҳам «эртасига» ўзига бирон нарса бермай қўйи-
шимиз эҳтимолини ҳеч унутмас, нуқул «эрта»ни ўйлар-
ди. Суякларни яшириш учун гулларни тепкилар, мар-
заларни бузарди. Уни кўп калтакладик, озорладик, ле-
кин бу қилигидан воз кечтира олмадик.

Аҳмадга: «Сенинг Катонники қадар аклинг йўқми?»
дедим. Уялди, бошини батгар ҳам қилиб, ер сузди.
Чўнтагимдан бир қоғоз чиқардим. Айюбдаги тўқима-
чилик фабрикасининг мудри синфдош дўстим эди. Унга
тавсиянома ёзиб бердим. «Мана шуни ол-да, ёнига бор.
Ишла, пул топ... Ҳеч кимдан пул сўрама!» дедим. Та-
шаккур билдирди. Лекин. Барибир, ёпишиб олди. «Ҳеч
бўлмаса икки қуруш беринг. Нон ва пишлоқ олай. Оч-
ликдан ўлай деяппман». Сал бўлмаса бераёздим. Қўлла-
римни чўнтагимга солдим. Бирданига бу кучли, бақув-
ват йигитга бундай шафқат қилиш керакмикан, деб
ўйлаб қолдим. Шундай, фақат шафқат юзасидан қилин-
ган ёрдам холис жиноятдан бошқа нарса эмас. Кимга-
дир ачиниб «жавобсиз» ёрдам этсак, унинг иродасини,
азму қарорини синдирган бўламиз. Дарров қўлимни
чўнтагимдан чиқардим. «Мана шу томонга кет, чапдаги
биринчи кўчага кир. Бироз юрсанг «Косово» меҳмон-
хонасига дуч келасан. Эгаси менинг дўстим. Саломим-
ни етказиб, «Мен бутун бошли меҳмонхонангизни ар-
тиб супуришга тайёрман. Таҳоратхоналарни тозалай-
ман. Менга беш қуруш беринг», дегин. У бунга рози
бўлади. Рози бўлмаса, мен «Валда» қироатхонасида бўла-
ман, шу ерга келиб, мени топасан. Сенга нон пули
чиқадиган бошқа иш топиб бераман», дедим. Рад этол-
мади. Очлиги юзидан кўриниб турарди. Кўзларининг
ости кўкариб, лаблари оқариб кетган эди. Ҳорфин-ҳор-

гин бокарди. «Валда» қироатхонасида ярим соатча кутдим, келмади. Уни олти кундан сўнг учратдим. Дарҳол қўлимга ёпишди. Ўпди, «Агар ўша кун менга нон пули берсанг фабрикага бормаган бўлардим. Менга зўр сабоқ бердинг. Ишлашни ўргатдинг. Жуда миннатдорман», деди.

Ишда ўзини кўрсатганини, устабоши бўлганини, кунига ярим лира маош олаётганини айтди. Зотан, у қобилиятли йигит эди. Фақат иродасининг уйғониши учун бир туртки керак эди, мен шу турткини бердим, холос.

Кейинчалик уни ҳар гал учратганимда янада ўзгарган, тажрибаси ошган, юзларига қон югурган, семирган ҳолда кўрдим. Кейинчалик меҳнатини ўртага қўйиб, бир бойга шерик бўлди. Кўйлак, пайпоқ фабрикаси очди. Сўнг турли корхоналарга пудратчи бўлди. Меҳнати, ҳалоллиги, тўғрилиги билан тилга тушди. Бойнигидан кейин кибрланиб кетгани ҳам йўқ... Энди мени қаерда кўрса чопиб келади, «валинеъматим» дейди. Сармоясининг асоси бўлган иродасини мен уйғотганимни ҳеч унутмайди.

Секин-аста яқинлашаётганимиз Хуррият тепасидаги япроқсиз дарахтларнинг ғамгин, скелетта ўхшаш тарвақайлаган шохлари узоқ қитлиқ йилларини эслатарди. Логарифмачининг азму ирода, меҳнат, ҳисобга оид ҳандаса ҳикматларини тингларкан, вужудим кўринмайдиган оғир қоя тошлар остида эзилаётганини ҳис қилаётгандим. Ҳатто мактаб таълими олмаган ялангоёқ, саводсиз бир малай боланинг ишчиликдан устабошилигига, устабошилиқдан фабрикачига, ундан пудратчига, пудратчидан автомобиль миллионери бўлиш томон илгарилаётганини кўриш, билш менга ёқмаётган эди. Ҳасад қилаётганмидим? Ҳа, ҳасад қилаётганмидим? Аммо нега? Американинг энг машҳур, энг катта саноат қироллари ҳам чўнтагида бир чақа пули бўлмаган ҳолда иш бошламаганмидилар? Мушоҳада, мангифим ҳиссиётларимнинг хатосини тузатди. Бўйи етмаган гўштга «пуф, сассиқ экан» дея оғзини ялаган очкўз му-

шукка ўшардим. Ўзимни тутолмадим. Гўё бу бойлик-ка, бу меҳнатга ҳеч аҳамият бермагандай, камситиб, юзимни буриштирдим. Бош чайқадим.

— Янги чиққан бойлардан экан-да, — дедим.

Логарифмачи тўхтади. Чуқур қора кўзларини катта очди.

— Нима деганинг бу? Маъқул бўлмадимми? — дея кулди. — Қуруқланишни бас қил. Бу бойлик! Шароб эмас, болапақир! Эски бўладими, янги бўладими, бой, барибир, бой!..

ПУШТИ ДУР ТЎН

Балад қуббали салқин девон бугун янада сокин, янада серсоя эди. Деразалардан сизган мовий, бинафшаранг, қўнғир баҳор нури яшил чиннилар устида бирлашиб, қуюқлашарди. Қалин ипак кўрпачалар устига тиз чўккан вазирлар олдидаги гиламининг рангдор нақшларини томоша қилишади. Узун оқ соқолини озгин қўллари билан сийпалаган садраъзам¹, ғоят олис, ғоят мавҳум нарсалар ҳақида ўйлаётгандек, сўник кўзларини мажҳул бир нуқтага тиккан эди.

— Бир жасур одам лозимдир, пошолар, — деди. — Биз унинг зар тўн кийдириб, олтин, олмосларга кўмиб юборган элчисига подшоҳимизнинг қўлларини ўптитрмадик, фақат оёқларини ўпишга изн бердик. Шубҳа йўқдурки, у ҳам шунга яраша жавоб беришга ҳаракат қилгусидур.

— Шубҳа йўқдур.

— Ҳеч шубҳасиз.

— Аниқдир.

Девон вазирлари тамомила у билан бир фикрда эканини англаган садраъзам, тушунчаларини янада очиқ айтди:

¹ Садраъзам — Усманийлар замонида бош вазир.

— У ҳолда биздан борадирган элчи ниҳоятда жасур бўлмоғи даркордур. Ҳатто ўлимдан кўрқмасин. Давлат шаънига тегиши мумкин бўлган гапларга дадил қарши чиқсин. Эшитиши мумкин бўлган ҳақоратларни ўлим кўркуси остида жавобсиз қолдирмасун...

— Шундай!

— Ҳа, ҳа!

— Жуда тўғри!

Садратъзам қўлини соқолидан тортиб, тиззаларига таяди. Қадини ростлади. Бошини кўтарди. Ялтироқ укпарлари хурпайган вазирларига бир-бир тикилди.

— Хўш, шундай экан... Бир ботир киши топингиз, — деди. — Мударрислар ичида, Андарун, девон аъёнлари орасида, менимча, бундай ботир одам йўқдур. Сиз ҳам ўйланг-чи, кўрайлик.

Сўфий, тинчликсевар, оғир-босиқ подшоҳнинг улкан давлатининг мияси бўлган девон аҳли ўйлай болади.

Етти йилдан кейин илоҳий тақдир сабабли «ёвуз» отини кўтарган, ҳар қандай мағрур кишини, ҳар қандай жиноятчини бир лаҳзадаёқ сиңдирадиган бадфеъл Исмоил Сафавийга элчи юборилиши керак эди. Шаҳзодаллигида вақтини от миниш, жирит ўйнаш, қурол эмас, китоб ўқиш билан ўтказган Боязид Вали жуда юмшоқ табиатли эди. Фақат шеър, ҳикмат, тасаввуфни хуш кўрар, уруш, жангдан нафратланар эди.

Вазирлар суюкли подшоҳларининг ҳузур-ҳаловатини бузмасликни энг катта вазифалари деб ҳисоблашарди.

Шу билан бирга ҳудудларда бўлаётган ғавроларнинг кети узилмасди. Босния, Афлок, Қорамон, Белград, Трансильвания, Хорватия, Венеция юришлари кетма-кет бўлиб турар. Модон, Корон, Зонкиё, Сантамарво фатҳ қилинганди.

Тахтта чиқар-чиқмас «ерга сояси тушади» дея отасининг ҳайкалини олиб ташлаб, савоб олишга уринган зоҳид Халифанинг замонида ҳам Истанбул фотихининг азму иродаси-ю даҳоси сўнмагандай, ўчмас

бир машғала, азалий бир руҳ сингари ҳамон яшаётгандек эди. Энди оёқ узатаман деганда, уруш устига уруш чиқарди. Шарқ ҳануз қон, оташ, зулм ичида қоврилаётганди.

Ағдарилган, сўнган Оққўйинли салтанатининг харобалари устида Шоҳ Исмоил деган бир девона салтанат барпо этганди. Отаси билан катта бобосининг қасосини олиш учун тентакона бир ғурурга асир бўлган бу қутурган Шоҳ ўтган ерида тик дарахт қолдирмас, ақл бовар қилмайдиган ваҳшийлик билан ўнгу сўлга ҳужум қиларди. Унга сиғиниб борганларни ҳам берган зиёфатларида катта қозонларда қайнаган сувга ташлатган, мағлуб этган Ўзбек подшоҳининг калласидан қадаҳ яса-тиб, шароб ичган ёвуз Шоҳ ҳақиқатан ҳам тенги йўқ бир золим эди.

Боязид девонининг одобли, юмшоқ, ахлоқли, тақводор вазирлари унинг ваҳшатларини эшитишга тоқат қилолмасдилар. Бу золим бир куни бизнинг чегараларимизга ҳам, албатта, тажовуз этиши, шарқий вилоятларни босиб олишга уриниши турган гап эди. Буни барча биларди.

Бултур Зулқодирия ҳокими Алоуддавланинг қизини хотинликка сўратди. Алоуддавла қизини бермади.

Шоҳ Исмоил берилган рад жавобидан ғазабланди, ўч олиш учун ҳимоясиз Зулқодирия ерларига бостириб кирди, Диёрбақир, Харпут қалъаларини олди. Баланд тоққа қочган Алоуддавланинг ўғли ва икки невараси қўлига асир тушди.

Шоҳ Исмоил бу бечораларни оташда қовуртириб кабоб қилдирди. Бундай даҳшат шарқ оламида эшитилмаган эди.

Урушишни истамаган подшоҳ Яҳё Пошо бошчилигида Анқарага бир қўшин юборишдан бошқа иш қилмади.

Бу Шоҳ қанчалик золим бўлса, шунчалик айёр ҳам эди. Усманийлар ерига киргани учун узр сўраб, кетмакет элчи юборди. Подшоҳ давлатига қарши бўлгани

учун эмас, фақат Алоуддавлага қарши бўлгани учун Усмонийлар давлати ерларига кирганини такрорларди.

Хуллас, деовнда бу ҳийлагар, золим, ситамкор жўжа-хўрозга юбориладиган элчи топилмаётган эди. Чунки ўзини Усмоний ҳоқон билан тенг деб билаётган, ҳатто бутун шарқда жаҳонгирликка даъво қилаётган бу деовнда ҳузурига давлат тимсоли бўлиб келган элчига нисбатан, шубҳасиз, анча-мунча бадкирдорлик қилиши, қарши чиқса элчини, эҳтимол, қозикқа ўтқазиши, терисини шилдириши, ақл бовар қилмайдиган ваҳшийлик билан ўлдириши мумкин эди.

Садраъзамнинг ўнг томонида ҳалидан бери қабр тоши сингари жим-жит, беҳаракат ўтирган қирмизи укпарли салла ўрнидан турди. Астагина чапга юзланди.

— Мен шу элчиликка жуда муносиб бир одамни билурмен, — деди. — Отаси менинг дўстим эди. Бироқ у давлат ишини қабул этмагай.

— Кимдир у?

— Мухсин Чалабий.

Садраъзам бу одамни танимасди, сўради:

— Шу ерда истиқомат қиладирми?

— Шундоқ.

— Нима иш қиладир?

— Бадавлат одам. Вақтини ўқиш билан ўтказадир. Уни танимайдирсиз, хўжайин. Катталарга ҳеч илтифот қилмагай. Шон-шуҳрат истамагай.

— Нечун?

— Билмасмен, лекин балки «зарари тегади» деб ўйласа керак.

— Ғалати!..

— Аммо бисёр жасур. Тўғрисини айтадир. Ўлимдан қўрқмас. Кўп урушларга қатнашмиш, юзида қилич излари бордир...

— Бизга элчи бўлмасмикин?

— Билмасам.

— Ўзини бир кўрсак...

— Билмасмен, чақирилса, ҳузурингизга келадирми?

- Қанақасига келмас?
- Келмас, тамом вассалом... Бировга бўйин эгмас. Унинг назаринда шоҳ билан гадо бирдир.
- У давлатини яхши кўрмасму?
- Яхши кўрса керак, деб ўйлайдирмен.
- У ҳолда биз уни бизга эмас, давлатига хизмат юзасидин чақирурмиз.
- Синаб кўрингиз, хўжайин.

Садраъзам шу оқшом катхудосини Муҳсин Чалабийнинг Ускудордаги уйига юборди. Давлатга, халққа оид бир иш юзасидан у билан гаплашмоқчи эканини, ўйлаб ўтирмай эртага ҳузурига етиб келишини билдирди.

* * *

Бомдод намозидан сўнг саройнинг ҳинд газламасидан қилинган оғир пардали кичик, нимқоронғи қабулхонасида котиб қолдирган қоғозларни ўқиётган садраъзамга Муҳсин Чалабий келганини билдирдилар.

— Бу ерга олиб келингиз... — деди.

Икки дақиқа ўтмай хонанинг садаф қадалган ёнроқ ёғочидан ясалган эшигидан қалин шопмўйловли, ҳайбатли, бақувват, очиқ чехрали бир одам кирди. Юпқа, қора қошлари остидаги кўзлари порлар эди. Белидаги камарда қуроли йўқ. Қўл остидаги барча аъёнларнинг тавозеларига ўрганган садраъзам унинг этагига бош уришини бироз кутди. Бинафшаранг газлама қопланган, катта заррин шокилали курси устида ҳайрон қараб турди.

Садраъзам нима дейишини билмади. Бундай қаддини ғоз тутган, боши тик одамни умрида биринчи марта кўраётган эди. Ҳатто сарой вазирлари ҳам унинг олдида таъзим бериб туришарди.

Муҳсин Чалабий ғоят табиий бир овозда деди:

— Мени кўришни хоҳлаган экансиз, нима демоқчи эдингиз, жаноблари?

— Ҳалиги...

— Айтаверинг, жаноблари...

— Марҳамат, ўғлим, қани бу ёққа ўтир, кейин...

Мухсин Чалабий тортинмай, эгилиб-букилмай, ғоят табиий бир ҳаракат билан кўрсатилган кўрпача устига ўтирди.

Садрәъзам хануз қўлида ушлаб турган ўрама қоғозларга боқар экан, ичидан «Бу қанақа одам ўзи? Ажабо, тегилакмикан?» дерди.

Ҳолбуки, йўқ, ундай эмасди.

Бу Чалабий дегани жуда ақлли киши эди. Бировларга ва икки юзламачиларга муҳтож бўлмайдиган даражада бадавлат эди. Чамлижа ўрмони орқасида катта ермулки, чорваси бўлиб, ҳалол яшар, бировга ялтоқланмасди. Фақир-фуқарога, ғариблар, ночорларга ёрдам қилар, уйи доим меҳмонга тўла бўларди. Тақводор эди. Бироқ мугаассиб эмасди. Дин, миллат, ватан, подшоҳ ишқини қалбида пинҳон сақлаганлардан эди. Давлатининг буюклиги, муқаддаслигини теран англади. Ягона шиори «Оллоҳдан бошқага эгилмаслик, қулга қул бўлмаслик» эди... Унинг илми, камолидан барча хабардор эди. Шоир эди. Ибн Камол у ҳақда гап кетса «менга сабоқ бериб қўяди» дерди. Бироқ у бундай мақтовларга бепарво эди... Қирқ ёшдан ўтганди. Олдида очилган мансаб, мавқе, порлоқ келажак йўлларига ҳеч учмаган эди.

Бу олтин тўшамали, ялтир-юлтур, жаннатмонанд йўлларнинг охири доимо ишқал бўлишини яхши биларди. Унинг назарида инсонийликдан буюкроқ неъмат йўқ эди. Инсон Оллоҳнинг ердаги халифаси эди. Оллоҳ инсонга ўз ахлоқини беришни истаган, инсон барча мавжудотдан устун эди.

Қуйруғини лиқиллатиб эгасининг оёғини ялайдиган кўппакка ялтоқлик ҳўб ярашади. Лекин инсонга...

Турли камситишу ҳақоратларни ичига ютиб, давлат ишда ўсиш иштиёқида бўлган ялтоқ, очкўз масхарабозлардан, ҳамиятсиз қуллардан, калтакесак сингари судралиб лаганбардорлик қилувчилардан нафратланар-

ди. Ҳатто уларни кўрмаслик учун одамлардан ўзини олиб қочарди. Фақат уруш бўлган вақтлари Кўнгилли қисмларга қўмондон бўлиб, майдонга чиқарди. Ҳузурда эмин-эркин, табиий ўтириши садраъзамни жуда ҳайрон қолдирди. Лекин жаҳли чиқмади.

— Табризга бир элчи жўнатмоқ ниятидадирмиз. Сен бизнинг элчимиз бўлиб бора олурмисен, ўғлим?

— Менми?

— Ҳа.

— Не муносабат билан айти мен?

— Муносиб одам қидириб топа билмадик. Шунинг учун...

— Мен ҳозирга қадар давлат ишларида ишламадим.

— Нега?

Муҳсин Чалабий бироз ўйланди. Ютинди. Кулимсиради.

— Чунки мен бўйин эгмайман. қўл, этак ўпмайман. — деди. — Ҳолбуки, замонамизнинг зўрлари нуқул бўйин эгиб, қўл, этак, ҳатто оёқ ўпиб, минг турли ялтоқлик, иккиюзламачилик қилганлари учун ҳозирги мавқеларига эришдилар, атрофларига ҳам худди шундай пасткашликларни такрорлайдиган олчоқларни тўпладилар. Кўз қорачиқлари, ходимлари, ҳимоя қиладиганларининг ҳаммаси олчоқ, риёкор, ахлоқсиз ялтоқлар, беномус масҳарабозлар, орсиз лаганбардорлардир. Мард, тўғрисиўз, ор-номусли, виждоннинг ҳур овозига қулоқ осадиган бир кишини кўрсалар борми, ҳамон ғаразгўйлик қилиб, йўқ қилишга чоғланадилар. Гедик Аҳмад Пошони нега ханжарлашди?

— ...

Садраъзам тишларини аста сиқди. Кўзларини қисди. Қўлидаги қоғозни гижимлади. Ҳазаблана олмаётган эди. Лекин жаҳли чиққан вақтларда бўлгани сингари, ёноқлари уча бошлади. Вазирлик у ёқда турсин, ҳали бейларбейи бўлган вақтларида ҳам ҳеч ким унга бундай кўрс сўзламаган эди. Яна: «Ажабо, тентакмикан?» деб ўйлади. Тентак бўлмаса, бу не кўрслик? Бундай кўрслик

давлат низомларига зид эмасми? Кўзларини янада қаттиқроқ қисди.

Ичида «Бунинг бошини уздирсаммикан» деб ўйлади. Навбатчиларни чақиришга чорланди. Бирдан қаердандир виждоннинг теран овози эшитилди:

«Мана, сен ҳам ялтоқлик, риё, қўл, этак ўпиш йўли билан кўтарилганлар сингари эркин айтилган, тўғри гапни ёқтирмаяпсан. Сен ҳам рўпарангда мард одам эмас, оёқларингни ялайдиган бир ит, шармандаларча эгилиб-букиладиган бир олчоқ, ориятсиз туришини истаяпсан».

Қисилган кўзларини очди. Ҳовучида гижимланган қоғозни ёнига қўйди. Яна Муҳсин Чалабийга боқди. Кенг пешонасининг ўртасида қилич ярасининг каттакон изи қолган... Ёноқлари қирмизи... Соқоллари қиртишланган, йўғон бўйни оқ... Букри бурни бироз каттароқ... Салласи кичикроқ... Худди «Шоҳнома» саҳифаларидаги қадимий қаҳрамонларга ўхшайди.

Ҳа, пешонасида жароҳат изи бўлган бу одам қилич ололмаган тирик қаҳрамон эди. Инсофли садраъзам виждон овозини ғурурига бўғдирмади. «Худди биз ахтарган одамнинг ўзи...» деди ичида.

Бундай ориятли киши давлати, миллатига қилинадиган ҳақоратни кўтармайди, ўлимдан қўрқиб, ҳақоратга индамай кетмайди. Секин бош ирғаб деди:

— Сени Табризга элчи қилиб юборадирмиз...

Муҳсин Чалабий сўради:

— Орангизда шунча муҳрдорлар, котиблар, домлалар бор. Нега улардан бирини танламаяпсиз?

— Сен Шех Исмоил деган ярамаснинг ким эканлигини билурмисен?

— Биламан.

— Давлатингни яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман.

Садраъзам қаддини кўтарди. Орқасига суянди.

— Ундай бўлса, кўп аъло, — деди. — Бу ярамас «Элчига ўлим йўқ» деган қондани назарига илмайду. Биз билан рақобатлашиш даъвосидадир. Оқиқ майдонда

бизга нисбатан қилолмаганини юборган элчимизга кўрсатишни хоҳламоғи мумкин. Эҳтимол, қийнаб, ўлдирар. Чунки у Оллоҳдан кўрқмайди. Ҳолбуки, элчимизга қилинадиган ҳақорат давлатимизга қилинган ҳақоратдир. Бизга шундай одам даркорким, гар ҳақорат эшитса, бошидан кўрқмасун. Ҳақоратни айниси каби ўзига қайтарсун. Агар давлатингни яхши кўрсанг, бу фидо-корликка ҳозир бўлмоғинг даркор...

— Қабул қилдим. Жаноблари, фақат бир шартим бор...

— Қандай?

— Модомики, бу фидойилик экан, эвазига ҳеч нарса талаб қилинмайди. Давлат учун бирон нарса эвазига қилинадиган фидойилик не бўлса бўлсин, шахсий манфаатдан бошқа нарса эмасдир. Менга маош, мансаб, пулнинг кераги йўқ. Фахрий бўлгани учун бу хизматни зиммамга оламан. Шартим шу.

— Бироқ, ўғлим, бу қандай бўлди? Унинг элчиси ғоят муҳташам кийинган эрди. Отлари, хизматчилари даб-дабали-ю асъасали эрди. Бизнинг элчимизнинг отлари, хизматчилари ундан-да муҳташам, янада ҳашаматли бўлмоғи даркор... Булар учун хазинадан сенга, албатта, бир неча минг олтин берурмиз.

Муҳсин Чалабий ўтирилди. Олдинга боқди. Сўнг бошини кўтарди.

— Йўқ, — деди, — хазинадан бир чақа ҳам олмасмен. Лозим бўлган отларни сотиб олиш, хизматчиларни башанг кийинтириш харажатини ўзим кўтарурмен... Ҳатто...

Садраъзам кўзларини катта очди.

— ...Ҳатто эгнимга Шоҳ Исмоил умрида кўрмаган чиройли бир либос кюрмен.

— Нима эркан у?

— Зардўз Тўрўғлидан Ҳиндистоннинг ипак матосидан тикилган, тақинчоқлари Венециядан келтирилган «Пушти дур тўн»ни олурмен.

— Нима дединг?! Бунчалик пулни қаердан олурсен, ўғлим?

Садраъзамнинг каловланиб қолиши бежиз эмасди.

Бир ой илгари тикиб битирилган, усти энг нодир пушти дурлар билан зийнатланган бу тўннинг номини Истанбулда эшитмаган киши йўқ эди. Тўнни подшоҳга гуҳфа қилиш учун вазирлар, элчилар Тўрўғлига мурожаат қилишар, у бўлса нархини тобора оширарди.

Муҳсин Чалабий бу тўнни қандай олишини айтди:

— Ер-мулкимни, чорвамни, уй-жойимни гаровга қўйиб, тужжорлардан ўн минг олтин қарз олурмен. Икки минг олтинни от олишга, хизматчиларимнинг ясантусанига сарф этурмен. Қолган саккиз минг олтинга бу тўнни олурмен.

Садраъзам бу ишни ақлдан деб билмади.

— Қайтиб келганингдан кейин бу тўннинг сенга кераги бўлмагай. У дабдаба учун лозимдур, холос. Мол-мулкингни қўлдан кетказурсен. Фақир бўлиб қолурсен.

— Йўқ, саккиз минг олтинга оладиган бу тўнни олти ой кейин Тўрўғли мендан қайтиб олур. Етти минг олтин билан мол-мулкимни гаровдан чиқариб олурмен. Қолган қарзларимни тўлай олмасам, борингки, отамдан ёдгор қолган чорвам давлатга фидо бўлсин... давлатдан нуқул олтиш керак эрмас... Бироз бериш ҳам керак...

— ...

Муҳсин Чалабий билан суҳбатлашаркан, садраъзамнинг хайрати ошиб борарди... Кўнгли таскин топди.

Хуллас, ярамас, жўжахўроз бир ҳукмдорга ҳақдини билдириш учун юбориладиган элчи топилган эди.

Табассум қилар, бош чайқар эди. Девоннинг тегма-нозик, қўрқоқ, ҳисобдон хизматчилари жони-ю молини қаттиқ яхши кўрадиган одамлар эди. Улардан бири элчи қилиб тайинланса, давлатининг шаънини эмас, оладиган эҳсонини ўйлаши турган гап.

Садраъзам Муҳсин Чалабийни овқатга таклиф этди. Бироқ муваффақ бўлолмади. Уни эшиккача кузатди.

Олти ой ичида Муҳсин Чалабий катта ер-мулки, чорваси, дўконлари, боғини гаровга қўйди. Тужжорлардан

пул йиғди. Отлар олди, хизматчиларини ясантирди. Буларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам ҳеч кўрилмаган даражада ҳашаматли бўлди. Қайтгач тўнни бериб, етти минг олтинни қайтариб олиш шарти билан Тўрўғлидан машҳур пушти дур тўнни ҳам олди. Ёшгина хотини билан икки боласини бир қариндошиникида қолдирди. Олти ойлик нафақа пулини қўлларига берди. Сўнг подшоҳнинг мактубини қўйнига солиб, йўлга тушди.

Йўлларда тўхтаб-тўхтаб олға юраркан, янги элчининг дабдаба-ю асҳасаси, айниқса, пушти дурли тўннинг овозаси бутун Онадўлидан ошиб, Шоҳ Исмоилнинг юртига етиб борди.

Муҳсин Чалабий ниҳоят Табриз қалъасига виқору улўворлик билан кириб борди.

Бу кичкина пойтахтнинг безакка, кийим-кечакка ўч халқи Истанбул элчисининг тўнини кўриб, ҳайратдан донг қотди.

Шаҳар, сарой, бутун анжуманлар тўн ҳақида шов-шувларга кўмилди.

Шоҳ Исмоил «пушти дур тўн» ҳақида фақат эртақлардан эшитган, унинг нима эканини ҳали кўрмаган эди. Ўзи ҳали кўрмаган нарса эгаси бўлган бу бадавлат элчига нисбатан юрагида ғараз уйғонди. Ҳақоратлар билан уни эзиб ташлашга қарор қилди. Ҳузурида қабул қилишдан олдин тахтининг орқасига жаллодларини қўйди. Тахти олдидаги ипак кўрпачалар, ипак гиламларни олдирди. Ўнг томонидан вазирлари, чап томонидан тансоқчилари жой олди.

Муҳсин Чалабий кенг, қимматбаҳо тош равоқли очик эшиқдан шахдам қадам ташлаб, ичкарига кирди. Юрди. Ҳар доимгидай боши балад, кўкси ғоз эди.

Қўйнидан чиқарган мактубни ўпди, боши устига қўйди. Сўнгра тахт устида қизил, мовий, бинафша ипак кийимларга чулганган, зарлар, туғлар, байроқлар билан ўралган ҳолда бечораҳол қуш сингари жим қўққайган Шоҳга узатди.

Оёри ўпилмаган Шоҳ жаҳддан бўзарди. Кўзлари қорайди. Мактубни олди.

Тахт олдидан чекинган Муҳсин Чалабий атрофга назар ташлади. Ўтирадиган ҳеч нарса йўқ эди. Кулимсиради. «Мени мажбуран оёқ устида, эҳтиром ва-зиятида тутиб турмоқни исташяпти, шекилли», деб ўйлади. Бироз ўйлади. Бу ҳақоратга жавобан нима қилиши керак? Шартга устидаги пушти дур тўнни ечди. Тахт олдига ёзди. Шоҳ Исмоилнинг вазирлари, саркардалари эсанкираб, ҳайрат билан тикилиб туришарди. Кейин у бу қимматбаҳо тўн устига чордона қурди. Дев, аждарҳоларнинг суратлари туширилган қиррадор қуббани, заррин гумбазни гумбуллатиб йўғон товушда:

— Мактубини берган улуғ подшоҳим Ўғуз Қорахон наслидандир, — дея ҳайқирди. — Дунё яратилганидан бери унинг оталаридан ҳеч ким қул бўлмаган. Ҳаммаси подшоҳ, ҳаммаси ҳоқон ўтган. Оталари дунё яратилганидан буён бўлган подшоҳнинг элчиси ҳеч бир бегона ўлка подшоҳи ҳузурида тик турмайди. Чунки ўз подшоҳи қадар асл подшоҳ дунёда йўқ. Чунки...

Муҳсин Чалабий туркчалаб қўпол бақираркан, Шоҳ бўзарар, қораяр, ҳаяжондан очолмаган қўлидаги мактуб дир-дир титрар эди. Тахт орқасидаги жаллодлар қиличларини яланғочлаган эдилар.

Муҳсин Чалабий роса бақириб-чақирди. Яқинлари, вазирлар, жаллодлар, тансоқчилари ҳукмдорларининг сабр-тоқатиға ҳайрон бўлиб туришарди. Ҳатто баъзилари минғиллай бошлади.

Муҳсин Чалабий сўзини битиргач, рухсат-пухсат сўраб ҳам ўтирмай ўрнидан турди. Тўғри эшик томонга йўналди. Шоҳ Исмоил қотиб қолганди. Чалдиран мавзесида синдириладиган нурури бутун шу туркнинг олов сочган кўзлари остида эриб битган эди. Муҳсин Чалабий ташқарига чиқаётганида, худди ўзидай тош қотган ходимларига:

— Унинг тўнини беринглар, — деди.

Тансоқчилардан бири югуриб бориб, тахт олдида ёзиғлиқ ётган тўнни олди. Турк элчисининг орқасидан етиб борди.

— Марҳамат қилинг, тўнингизни унутдингиз, — деди.

Муҳсин Чалабий тўхтади. Кулди. Чиқаётган эшигидан орқага қайрилиб, Шоҳ эшитадиган баланд товушда деди:

— Йўқ, унутганим йўқ. Уни сизларга қолдираман. Саройингизда улуг бир подшоҳнинг элчисини ўтқазиб учун гиламингиз, кўрпачангиз йўқ экан. Бунинг устига бир турк ерга ёзган нарсани қайтиб киймайди. Буни билмайсизларми?

* * *

...Ўтган йўлларида кеча-кундуз тўхтамай жадал юриб қайтди.

Ускудорга кирганида Муҳсин Чалабийнинг чўнтагида бир мири ҳам қолмаганди. Ясанган аъёнларига деди:

— Болаларим! Остингиздаги отларни, эгар-жабдуқларни, устингиздаги либосларни, белингиздаги нақшинкор ханжарларни сизга ҳадя этдим. Мендан розимисиз?

— Розимиз... Ҳаққингиз онамизнинг оқ сутидек ҳалол бўлсин, — деган жавобларни эшитгач, улар билан хайрлашди. Чуқур нафас олди. Уйига бормасдан, денгиз соҳилига шошди. Бир қайиққа минди. Садрәъзам қароргоҳига борди. Мактубни Шоҳга топширганини, ҳеч қандай камситилишга дуч келмаганини, Шоҳнинг рухсатини кутиб ҳам ўтирмай, бепарволарча ўрнидан туриб, Истанбулга қайтганини сўзлади.

Зотан садрәъзам унинг вазифасини қойиллатиб адо этишига амин эди. Йўллар, бейлар, қароқчиларга оид бир қанча саволлар берди. Чалабий ўрнидан туриб кетишга чоғланган вақтда деди:

— Тўнинг ёнингдаму, мен уни сотиб олмақчимен. Ўғлим, — деди.

— ...

Садраъзам оёқ тиради, қайта-қайта сўради. Лекин тўнга не бўлганини билолмади.

Муҳсин Чалабий қилган иши билан гурурланадиган даражада паст одам эмасди. Ўша оқшом Ускудорга қайтди. Эртасига етти минг олтинни қайтариб, тўнни олиш учун келган зарриндўз Тўрўғлига қам тўнни нима қилганини айтмади.

Истанбулда бунга қизиққанлар машҳур «пушти дур тўн»нинг «қандай, қаерда, нега» ташлаб келинганини билолмади.

Табриз саройидаги можаро тарих саҳифаларига қоршди, сир бўлиб қолди.

Фақат бир вақтлар бадавлат бўлган Муҳсин Чалабий бу тўн учун олган қарзларини узолмади, ер-мулки, чор-васи, бутун мулкани гаровдан қутқара олмади. Элчиликдан хотира бўлиб қолган оти, нақшинкор эгар-жабдуқларини сотиб, Қузгунчуқда чоғроқ бир боғ сотиб олди. Шу ерда деҳқончилик қилди. Бола-чақасини шу йўл билан боқди.

Ўлгунига қадар Ускудор бозорида сабзавот сотди. Ниҳоятда фақирона, жуда офир, жуда йўқсил яшади. Шундай бўлса-да, на бировга бўйин эгди, на бор бойлигини ерга отиб қилган фидойилиги билан мақтаниб бехудага керилди.

АЖИНАЛИ КЎШК

Сарматбей ўтирилди, орқасидаги қоровулга:

— Мана яна бир кўшк... — деди.

Чоғроқ арчазор олдида оқ, ҳашаматли бир бино. Худди мрамардан қилингандек, кўз қамаштирадиган дара-

жада ялтирайди. Марзаларни ёввойи ўт босган. Боғининг темир дарвозаси устига «Ижарага берилади» деган ёзув осилган. Қоровул бош чайқади.

— Воз кечинг, хўжайин, воз кечинг... Бу ер сизга тўғри келмайди.

— Нега энди, азизим?

— Аввал кўрсатган уйни олинг. Кичик, лекин жуда омадли. Ким яшаса бир йил ўтмай ўғиллик бўлади.

— Ўн икки киши беш хонага қандай сиғамиз?! Шу жойни кўрайлик, шу жойни... Тамомила бизга мос...

Қоровул такрор қатъий бир ишора билан деди:

— Бу ерда яшай олмайсиз, хўжайин.

Сарматбей кўшқдан кўз узолмаётганди. Чор теварагида кенг айвонлари бор. Бино худди пойдеворининг устига ёнбошлагандек кўринади. Тухум босган немис товуғи янглиғ ҳурпайган. Бола-чақалик бўлганидан бери, йигирма йилдирки, мана шундай бир уйни орзу қиларди. Асабий товушда деди:

— Нега яшай олмас эканмиз? — дея сўради.

— Хўжайин, бу уйнинг ажинаси бор.

— Қанақа ажина?

— Ажиндака ажина! Кечалари келади. Бу уйда яшайдиганларга тинчлик бермайди.

Сарматбей қулоғи билан эшитганига, ҳатто кўзи билан кўрганига ишонадиган анойилардан эмасди. Қўли билан маҳкам тутиб, ўзи ишонч қилмагунча бир нарсанинг борлиги тўғрисида ҳукм чиқармас эди. Унингча, кўз билан қулоқ алдамчи бир тешик холос. Ёлғонлар каллага мана шу тўрт тешиқдан киради. Фақат қўл... Фақат ушлаб кўриш сезгисигина алдамайди. Жами хурофотлар, ботил ишончлар кўз ва қулоқ орқали борлиғимизга киради. Кулди.

— Ажина бизга ҳеч нарса қилмайди! — деди.

Қоровул худди сўкиб беришгандай, Сарматбейнинг юзига боқди.

— Бу уйни олган ҳар бир киши олдин шундай дейди, лекин бир ой ҳам яшай олмайди.

- Сенга нима? Қани шу уйни кўрайлик.
- Калити эгасида.
- Эгаси ким?
- Эгаси Ҳожи Ниёзий афанди. Анави кўшни кўшқда яшайди...
- Унда калитни олайлик.
- Бўпти.

Орқага қайтишди. Қалин дарахтлар орасидан фақат юқори қаватининг томи кўринаётган қирмизи, эски уй томонга юришди.

Кекса қоровул йўлда оқ кўшкнинг тарихини қисқача айтиб керди. Ўн йилдан бери бу уйни ижарага олганлар бир ойдан ортиқ яшай олмас экан. Олдин ажина кўринар, сўнг катта-катта тошлар отар, ниҳоят ойналарни синдирар, кечалари уйдагиларга ҳеч тинчлик бермас экан. Ижарагирлардан иккитаси юрак ўйноғи бўлган, учтасининг болалари шайтонлаб қолган, биттасининг хотини олти ойлик ҳомиласини туширган. Соёсида кўйлар ўтлаб юрган бодом дарахтлари остидан ўтишди. Қирмизи кўшкнинг яшил эшигини тақиллатишди.

Ҳожи Ниёзий афанди бир вақтлар вақф мудури бўлган киши эди. Ишдан бўшаб, нафақага чиққач, уй олиб солиш билан кун кечира бошлаганди. Жуда ҳалол одам эди. Йилда, эҳтимол, юз уй сотса-да, четдан келиб ажинали кўшқини ижарага олмоқчи бўлган, ҳеч нарсадан хабарсиз содда муштарийларни алдамас, «Оллоҳдан кўрқаман, нима кераги бор» дерди. Кўшқда ажина борлигини ҳеч яширмасди. Эшикни ўзи очди. Қоровул Сарматбейнинг уйни кўрмоқчи эканини айтди.

— Жуда яхши, марҳамат! — деди. Йўл бошлади. Боғдан ўтишди. Ҳожи Ниёзий афанди йўлда кенг сарик жуббасининг чўнтагидан мис калит чиқазди. Боғ эшигини очди. Сарматбейга:

— Бу калит кўшқни ҳам очади, — деди.

Юрдилар. Боғ ҳақиқатан ҳам қаровсиз эди. Қаровсиз қолгани учун оёқ тегмаган чакалакзорга айланиб

кетганди. Кўшклар орасидаги кичик арчазорда ҳам ёввойи сукунат ҳукм сурарди. Қоровул кўшкка кирмади. Ташқарида қолди. Сарматбей уй эгаси билан айланди. Уйга гап йўқ. Биринчи қават тамомила мрамрдан ишланган. Ҳовуз, ҳаммом, қудуқ, товуқхона, отхона... Ҳаммаси аъло.

— Ижара қақи қанча бўлади?

— Кўп сўрамайман. Юз саксон лира. Лекин уч йиллигини олдиндан оламан.

— Нега?

— Негалигини айтай, жаноблари. Душманларим кўшкни ҳеч ким ижарага олмасин дея ажинаси бор, деган миш-миш тарқатишган. Биров келса, дарҳол Худо йўлига ажина сафсатасини бошлайдилар. Охир-оқибат ижарагирлар эшитган ёлғонларига ишониб, ажина бор, деб ўйлайдилар. Масалан, қиш ўртасида кўшкни ўз ҳолига ташлаб кетиб қолишади. Энг ёмони, улар ҳам жин тарғиботчилари сафига қўшиладилар. Икки йил шундай бўлса, уйимни на сота оламан, на ижарагир топаман.

Сарматбей сўради:

— Кўшкінгиз қанча вақт бўш қолди?

— Аслида ҳозирга қадар ҳеч бўш қолмади... Фақат олган одам қўшниларининг миш-мишига учади. Кўп яшамайди. Қўрқиб, қочиб кетади.

— Мен қўрқмайман.

— Иншооллоҳ.

— Лекин уч йиллигини олдиндан тўлаш биров қийин...

— Не ҳам қилай, бейим. Кўп куйдим. Хоҳласангиз шу...

Сарматбейга кўшк жуда ёққан эди. Бунинг устига ижара ҳақи қам арзон. Ҳолбуки, уч хонали кулба учун йилига юз эллик лира сўрашганди.

Ўша куниеқ шартномани имзоладилар. Уч йиллик ижара ҳақи учун беш юз қирқ лира олдиндан берилиши керак эди. Ҳожи Ниёзий афандининг уйидан чиқ-

қанларидан сўнг, Сарматбей чойчақа деб йигирма бешлик қорозни берди. Қоровул:

— Афсус, пулингиз бекорга кетадиган бўлди, хўжа-йин, — деди. — Уч йил тугул, уч ой ҳам яшай олмайсиз.

— Кўрасан.

— Кўрамиз. Ҳожи афанди ҳамиша ҳар ижагирдан уч йиллигини олдиндан олади, лекин ҳеч ким бир ёз ҳам қололмайди. Берган пулига куйиб қолишади.

Сарматбей бир ҳафтадан кейин катта оиласи билан кўшкка кўчиб келди. Вақтичовликни хуш кўрадиган одам эди. Ҳар кечани ўйин-кулги, ичкилик, кайф-сафо билан ўтказарди. Уйда қамиша қариндош-уруғларидан эркак-хотин аралаш тўрт-беш меҳмон бўларди. Сарматбей турк бўлса-да, европаликларнинг «кундуз жафо, кеча кайфу сафо» дастурига амал қиларди. Болалари мактабга қатнардди. Қизларини катта савдо уйларига котиба этиб ишга жойлаштирган эди. Хотини қизлар мактабида пианино дарси берарди. Фақат етмиш беш ёшидаги онаси ишламас эди. У ҳам ошхонада куймаланар, хизматкорларни назорат қилади. Таомни ярим кечага яқин ейишар, кейин ўтирмай, шу заҳоти уйқуга ётишарди. Орадан ўн беш кун ҳам ўтмади. Бир кечаси пастки қаватдан қаттиқ чинқириқ эшитилди. Хизматкори Артемисия бор овози билан додлаганича юқорига чиқди. Пастда, арчалар орасида оппоқ бир кўланка кезиб юрганини айтди.

— Кўзингизга кўрингандир, — деди Сарматбей.

Бироқ кўланкани кўрган бошқа хизматкорларни ҳам галига ишонтиролмади. Бола-чақа, қамаси орқа томондаги хонанинг айвонига чиқишди. Артемисия бармоғи билан кўрсатган оқ кўланкани кўрдилар. У дарахтлар орасида қаққайганча, кўшкка қараб турарди. Сарматбей кўзларини ишқади.

— Вой онасини...! — деди. — Хаёлотнинг кучига қара!

Хотини, қизлар, болалари қўрқувдан бўзарди. Ҳар катта қизи:

— Қанақа хаёлот, ота! — деди. — Ана, шундоққина рўпарамизда турибди-ку, кўрмаяпсанми?

— Кўряпман.

— Ҳа, ундай бўлса хаёлот деганинг нимаси?

— Бу ерга келганимиздан буён ажина эртагидан бошқа бир нарса эшитдикми? Келганларнинг ҳаммаси нугул ўша гапни айтди. Энди биз ҳам шулар таъсирида ҳамамиз бирданига йўқ нарсани кўра бошладик.

— Бу мумкин эмас.

— Нега мумкин бўлмаскан?

Сарматбей найрангбоз Казанованинг лиқ тўла театрдаги томошабинларга чўнтакларидаги соатни хато кўрсаттирганини айтиб берди. «Кўзимиз қулоғимиздан келган ёлғонни кўради. Бироқ ўша кўрган нарсангизга қўл уриб кўринг, дарҳол йўқ бўлади қўяди», деди. Сўнг ўрнидан турди. Хотинининг таваллосига қулоқ солмади. Кўринган шарпани ушлаш учун боққа отилди. Ўзини тўғри арчазорга урди. Бироқ шарпа қочди. Ғойиб бўлди. Шу кеча уйда Сарматбейдан бошқаси мижжа қоқолмади.

...Энди шарпа ҳар кеча келадиган бўлиб қолди. Сарматбей ушлашга югурса, қочиб кетарди. Бироз ўрганиб ҳам қолишди. Фақат бир кеча ҳаммаси уйкуда экан, даҳшатли гумбирлашдан уй ларзага келди. Югуриб айвонга чиқишди. Ҳеч нарса кўринмади. Эрталаб емакхона полида каттакон бир тош топишди. Онаси Сарматбейга «Бизни бу кўшқдан олиб кетмасанг, сендан рози бўлмайман», дея жаврай бошлади. Беш юз қирк лирага якки ой яшаш... Бу Сарматбейга мақбул эмасди. Бироқ кечалари катта-катта тошлар отилар, уйдагиларнинг уйқусини қочирар, ҳаммасини қўрқувга солар эди.

Сарматбей ҳар гал шарпани туттиш учун чопар, лекин ҳеч тутолмасди. Тош отила бошлаганини эшитган қўшнилари: «Бу ердан кетмасангиз ойналарингизни ҳам синдиради» дейишарди. Сарматбей шартноманинг «Ижарагир чиқишдан олдин уйни таъмир этиб беради» деган моддасини эслаб, жони халқумига келар, ойна синдирилиш даври бошланмасдан олдин бир чора кўришни ўйлар эди. Аста-секин ишончига ҳам путур ета бош-

лади. Охири кетипга қарор қилдилар. Лекин бошқа уй топила қолмади. Кўшк ҳақида яна минг турли ривоятлар эшигга бошладилар. Бу ер илгари қабристон бўлганмиш. Ошхона ўрнида беш юз йил илгари бир авлиё дафн этилганмиш... Сарматбей тош отилаётган, ойналар синаётганига қарамай, ҳануз ажина борлигига ишонмасди. Бу ажина ҳамиша арчазорга қочиб, кўздан ғойиб бўларди. Ҳеч тутқич бермасди. Сарматбей бир кеча арчазор ичига яшириниб, бирдан ажина билан юзма-юз бўлиш ёки орқасидан пусиб бориб ушлашга қарор берди. Уйдагиларнинг биронтаси бунга рози бўлмади. «Сени чалиб кетади» дейишди. Сарматбейнинг кўнглига шубҳа оралаган бўлса-да, ажина-пажинага ишонмасди. Эртаси куни кечаси бутазорга йўл олди. Катта арчанинг пастки шохларидан бири устига чиқиб олди. Кутди, кутди. Кеча ярим бўлди. Кўшкдагилар ҳам нима бўларкин, дея ухлолмаётган эдилар. Бечораларнинг айвонларда айланиб юргани кўринарди. Қўққисидан юраги ўйнаб кетди. Тўсатдан шарпа пайдо бўлган эди.

Қўли тегди дегунча йўқолишини яхши билса-да, Сарматбейнинг тиззалари титрай бошлади. Ичидан: «Мен қўрқаётганим йўқ, баданим қўрқаётир!» деб ўзига тасалли берди. Оҳистагина ерга тушди. Шарпанинг орқасига тушди. Шарпанинг туриш-турмуши аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Яқин келганини шарпа ҳеч пайқамади. Секин қўл узатиб, оқ жисмга тегди. Шарпа бирданига қўрқиб кетди. Лекин йўқолмади. Ўгирилди. Сарматбейни кўриб, бор кучи билан қоча бошлади.

Сарматбей қўл тегизганида йўқолмагани учун бу шарпанинг ажина-пажина эмаслигини дарҳол сезганди, бўш келмади. Қувди, арчазор этагидаги пастак деворга қўйилган нарвонга тирмашаётганида ушлаб олди. Сарматбей жуда кучли эди.

Шарпа қутулиш иложи йўқлигини тушунгач, қаршилик кўрсатмай қўйди. Сарматбей:

— Сенга одамларни қўрқитиш нима эканини кўрсатиб қўяман! — дея бечора шарпани елкасига олиб, кўшк томонга судраб кетди. Бақирди:

— Чироқ олиб келинглар, башарасини кўрайлик.

Кўшқадагилар боғ эшиги олдига тўпланишди.

— Бу ҳайвон одам экан-ку! Айтмабмидим, ҳеч қанақа ажина-пажина йўқ демаганмидим!

Шарпа бошига ўралган оқ чойшабни ҳеч ечтиргиси келмади. Сарматбей тортиб олди. Соқоли мўйловига ёпишган Ҳожи Ниёзий афандини кўриб, донг қотишди. Бечора юзини кўрсатмаслик учун қўлларини папа қилиб олганди. Елкасидаги Шом матосидан тикилган ётоқ кўйлаги йиртилиб кетганди.

Сарматбей бир қаҳқаҳа отди.

Қизлар, болалар, хизматкорлар бақрайиб қолишганди.

Катта хоним:

— Нега Муҳаммад умматини қўрқитиб жинни қилсан, а, афанди? — деди.

Сарматбей:

— Бунинг сабабини мен биламан! — дея жавоб берди. Кейин катта қизига довод, ручка, кабинетдаги шартномани тез олиб келишни булорди. Ҳожи Ниёзий афанди тошдай қотиб ўтирар, берилган саволларга ҳеч жавоб бермас, нуқул қоронғиликка юз бурарди. Шартнома билан довод, ручкани олиб келишгач, Сарматбей:

— Қани кўрайлик, ручкани кўлингга ол-чи!.. Юрак ўйноғи қилганларинг, ҳомила тулширганларинг учун жазо олишни хоҳламасанг айтганларимни ёз. Имзола! — деди.

Ҳожи Ниёзий афанди дарҳол ручкани олди. Сарматбей сўзма-сўз айтган гапларни ҳеч иккиланмай ёзди:

«Ижарачим Сарматбейдан кўшкнинг олти йиллик ижара ҳақи бўлган бир минг саксон лирани олдиндан олдим».

— Ҳа, шундай бўлсин...

— ...

Имзолади. Оқ чойшабга бу гал ярим ўранганча ҳар гал ғойиб бўладиган томонга кетди.

Сарматбейнинг икки йилдан буён кўшқда яшаётганига барча ҳайрон эди. Қўшнилари Ҳожи Ниёзий афандига:

— Уйингдаги ажиналар бошқа уйга кўчиб кетишган бўлса керак. Бу янги ижарагиринг ҳеч чиқадиган кўринмайди! — дегунча олдин бўзарар, сўнг қизарар, тўнғиллаб дерди:

— Булар на таҳорат, на рўза, на намоз, на ниёзни билади... Эркагу хотин, ёшу қари оқшомдан тонггача ярт маст! Бунақаларга кўринишга ажина у ёқда турсин, ҳатто шайтоннинг юраги ҳам дов бермайди!

ОҚ ЮЗ

Маҳмат афанди ўн йилдан буён шаҳарда яшарди. Қишлоқдаги даласи, боғу боғчалари шеригининг қўлида қолганди. Қадрдон аҳбоби Муфти Ҳожи афанди билан дардлашаркан:

— Ҳаммаси ёнди, кул бўлди, деб ўйлайман. Чунки дунёда биронта ҳалол одам йўқ, — деди.

Ҳалоллар борлигига динга ишонгандай ишонадиган муфти:

— Бор, лекин сен билмайсан, — дея бош чайқади.

Маҳмад афанди шоша-пиша:

— Йўқ, йўқ, йўқ. Худо ҳаққи, йўқ. Барча ёлғончи, ҳамма муттаҳам. Синамаган дўстим, қариндошим қолмади. Ҳатто укам ҳам мени алдади, — деди.

— Ундай бўлса, бор, молингнинг бошида ўзинг ўтир.

— Тўғри айтасан. «Кемага чиқсанг қуйруқда, еринг бўлса бошида ўтир» дейишган... Аммо не иложим бор, бу ердаги ишларимни ташлаб кетолмайман.

— Қишлоқдаги мулкларингни сот.

— Улар ўзаро келишиб олишган. Ҳеч ким олмаяпти.

— ...

Муфти афанди дунёда тўғрилиқ, ҳалоллик ҳали бор эканини биларди. Фақат буни қандай исбот этмоғи керак? Ёмонларнинг тузовига илинган Маҳмат афанди

сингариларнинг имонларига ҳам путур егади. Шундай кетаверса, биров бировга ишонмайдиган кун келиши тайин.

— Мен бир чўпонни танийман. Жуда ҳалол одам! — деди.

— Чўпонми?

— Ҳа...

Маҳмат афанди ярасининг устига туз сепгандай пешонасини тиришгирди.

— Бу чўпон деганларингиз борми! — дея уҳ тортди. — Минг беш юз қўйимдан охирида элликта беришди ҳолос.

— Хўп, яхши, ундай бўлса шу эллик қўйингни мен айтган ҳалол одамга бер, юзта қилиб қайтаради!

Маҳмат афанди кулди.

— Ҳазиллашма.

— Тўғрисини айтяпман.

— ...

Муфти ўша ҳалол чўпон ҳақида ҳикоя қила бошлады. У ёлгон нелигини билмайдиган киши экан. Жуда ҳалол, дарвеш бир одаммиш. Умрини тоғу тошда, яйловларда ўтказар экан. Беш вақт намози устига яна беш вақт қўшиб ўқиркан.

Муфти мақтайвергач, Маҳмад афанди юмшади.

— Майли, шу қўйларимни унга бериб кўрай... — деди.

Эртасига яйловга хабар юбориб, чўпонни шаҳарга чақиришди. Маҳмад афанди Муфтининг шоҳидлигида у билан келишди. Чўпон эллик қўйни боқадиган, эллик қўй берган фойданинг бешдан бирини оладиган бўлди. Қишлоқдан қўйларни олиб келишди. Чўпон бу кичик сурувни олдига солиб кетди. Орадан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтаверди. Маҳмад афанди Муфтини кўрди дегунча:

— Агар бу чўпон ҳалол чиқса, қишлоқдаги бутун ишларимни ҳам унга топшираман, — дерди.

— Ўзинг кўрасан, ўзинг кўрасан!

— Иншооллоҳ...

Бир йилдан кейин жума куни эрталаб Маҳмат афанди уйининг пастки қаватидаги хонада ўтирганида «ҳалол чўпон» кириб келди. Қўлида бир сопол кўза билан бир тери бор эди. Салом ҳам бермасдан, уларни дераза остидаги ўриндик ёнига қўйди.

- Хуш келибсан.
- Хушвақт бўлинг!
- Қани ўтир, гаплашайлик...
- Эйваллоҳ!
- Қўйлар қандай? Туғдими?

Чўпон:

- Ҳаммаси қисир экан! — деди.
- Ҳеч қайси туғмадими?
- Йўқ.
- Жунларини нима қилдинг?
- Жунларини қирқишга ҳам улгурмаган эдим.

Маҳмат афанди тушунмади.

- Бу не деганинг?
- Ўн иккитасини ўғирлаб кетишди.
- А?..

- Қанча қолди?
- Ўттиз саккизта.

— Ўттиз иккитаси кузда айланчиқ касалига учраб ўлди.

- А?..
- Қанча қолди?
- Олтита.
- Бештасини бўри еди...

— ...

- Қанча қолди?
- Битта!

— Хуллас, бу қўйни кўз қорачигимдек асраб боқаётган эдим. Ўтган кеча соғдим. Сутидан мана шу қатиқни қилдим. Кеча эрталаб яйловдан тушаётганимизда бечора жарга қулаб тушди. Югуриб пастга тушиб қарасам, ўлган экан. Совиб улгурмай терисини шилдим. Мана, териси.

Чўпон тинмай жаврарди:

— Қатик икки ярим ўққа... Ярим ўққаси¹ меники. Теридан оладиган ҳақимни сизга ўтдим!...

Маҳмад афанди фикр этмади. Оёққа турди. Қатик солинган кўзани олди, секин секин «ҳалол чўпон»нинг ёнига яқинлашди. Қатик тўла кўзани бор кучи билан чўпоннинг калласига урди.

— Ол ҳаққингни, қайвон! — дея ура кетди. Кетига тепиб эшикдан чиқарди. Шу пайтда Муфти афанди дўстини кўришга келган эди. Эшик олдида юз-кўзи қатикқа беланган чўпонни кўриб, ҳайрон бўлди. Сўради:

— Ҳой, галварс, не гап?

Ҳалол чўпон ноҳақликка дуч келганидан эсанкираб қолгандай кўринарди. Лекин эси жойида эди. Аччиқ таъна билан деди:

— Не бўларди, афандим? Тўғри ҳисоб берган одам ташқарига мана шунақа, оқ юз билан чиқади.

ЖАСОРАТ

Сартарошхона четида оғайним билан пальма турига оид, отини билмайдиган эгри-бугри дарахтнинг эшак қулоғига ўхшаш катта япроқлари остида ўгириб навбат кутаётгандик. Вақт жуда секин ўтар, сабрсизланардим. Темир бурунли вайсақи лайлақдек тўхтовсиз шақиллаётган қайчи овозини эшитиб, «уф-пуф...» дердим.

Устида узун ойна бўлган мрамор стол олдида олти нафар сартарош имиллаб ишлаётганди. Оғайним сўради:

— Онангнинг қорнида қандай сабр қилгансан?

— Ахир, ярим соат бўлди-я...

— Нима қипти!

— Худо ҳаққи, турайлик! — дея ялиндим.

¹ Ўққа — 1,23 кг. га тенг оғирлик ўлчови.

- Жонга тегдими?
- Нимасини айтасан, жуда...
- Ундай бўлса, бўш ўтирма... Сиқилаверма.
- Нима қилай унда?
- Миждозларни, девордаги расмларни томоша қил.

Ҳазначига боқ, бир қара...

Ичкарига кирар-кирмас қайси бирининг иши тезроқ битар экан, дея миждозларни кўздан кечиргандим. Оқ сочли, мўйловли, хумкалла, бир-биридан баттар бир тўда меровлар ўтирибди. Девордаги расмларга келсак, уларнинг ҳаммаси атир-упа, одеколон, лаб бўёғи эълонлари эди. Ҳазна томонга қарадим. Ёшгина бир юнон қизи.

— Қўйсанг-чи, жуда ёш экан-ку! — дедим.

— Ёш бўлса, сен уни ҳаёлан катта деб тасаввур қил. Икки ҳаёл бир борнинг ўрнини босади. Вақт қандай ўтганини ҳам сезмай қоласан.

— ...

Бу қизалоққа боқиб, уни ҳаёлан каттайтира бошладим. Ўн ёш катталаштирдим. Йигирма икки, йигирма уч ёшга чиқардим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам гўзал қиз бўларди. Шубҳасиз, бу оч сариқ сочлар янада қуюклашади, бу ясси кўкси думалоқлашади, бу оқ бўйни янада оқариб, гўлишади. Лекин ҳаёлим бу билан чекланиб қолмади, истар-истамас, бу етилган қизни яна ўн, йигирма йилга улғайтирдим. Воҳ, оқ юзли аёллар нақадар тез кексаяди! Юз-кўзини ажин қоплади. Қовоқлари қорайди. Ҳаёлим яна илгарилади. Бу бечора аёлни яна ўн саккиз йилга катталаштирдим! Наузибиллоҳ...

Бирдан фонийликнинг мотамини бутун аччиғи билан ҳис қилдим. Ўзимга тасалли бериш учун рўпарамдаги олтмиш ёшларидаги миждозни кичрайтиришга, яшартиришга киришдим, унинг қовоқдай силлиқ бошида қалин сочлар ўстирар, чўккан ёноқларига қон югуртирар, мўйловларини қорайтирар, сўлгин лабларини гилос рангига киритар эдим! Қайчилар ҳануз шақирлашда давом этар, ҳамма ёғи оққа бўялган сарта-

рошхонанинг сукунатини ложувард матросча кўйлак кийган кичкина, озгин болакайнинг «хўп, хўп» деган товушларигина бузарди. Ногаҳон кўча томонга қараган деразаларнинг ойналари зириллаб кетди. Бирдан зил-зила бўлди, деб ўйладик.

Қайчилар жим бўлди. Мижозлар, сартарошлар, мен, дўстим, кичик болакай, ғазнадаги оқ қизча, узун ойнадаги аксларимиз барабарига эшик томонга қарадик. Юракларимиз бўғзимизга тикилгандай бўлди.

Э, Худо! Бу нақадар ҳайбатли одам: бўйи ҳеч муболағасиз икки метрга етади... Қоп-қора мўйлови ваҳимали... Кўрганини емоқчидай ўқрайган даҳшатли, сариқ кўзлар... Сўнг баландилиги бир аршиндан¹ кўпроқ бўлган катта, жуда катта қора теллак... Гар... кўрқмасам-да, титрай бошладим. Янги келган мижоз ҳеч кимга қарамай ечина бошлади. Бўзёқали катта ва узун қора пўстинини ечди, ёнига югуриб келган боланинг устига ташлади. Пўстин шунчалик оғир эдики, бола шу ондаёқ чўккалаб қолди. Сартарошлар устара-ларини ташлаб, ёрдамга ошиқишди. Болани кўтардилар. Бола қутулиб, орқага қочди. Мен янада баттарроқ титрай бошладим. Даҳшатли мижоз:

— Менга бола-пола керак эмас, — деди. — Оёғимнинг остида қолиб юрмасин... Бақувватроқ одам хизмат қилсин!

— Хўп бўлади...

— Хўп бўлади...

Оёғига разм солдим. Этигининг зирҳи бордай эди... Босса бола у ёқда турсин, қаттиқроқ тепса тош йўлкани ҳам ушатиб юборади. Телпагини чиқарди. Камзулини ечди. Йўғон белида кумуш қопламали черкесча камарга тақилган каттакон револьвер, катта-кичик пичоқ, ханжарларнинг сопи кўриниб турарди. Бақирди:

¹ Аршин — 0,68 метрга тенг узунлик ўлчови.

— Ҳой галварслар, менга қарайсизларми йўқми?! Мен ўтиб ўтирмайман, қа... Жаҳлимни чиқарманг...

Бу кўрқинчли манзарадан мижозларини бутунлай нуттан сартарошлар дарҳол бир оғиздан жавоб беришди:

— Марҳамат пошом! Марҳамат пошом!

— Ҳа, шундай бўлсин!..

— ...

— ...

— Менинг ким эканимни билмайсизлар-да.

Яхшиямки, тасодифан эшик ёнидаги курсида ўтирган мижознинг соқоли олиб бўлинганди. Даҳшатли мижоз унинг ўрнига ўтирди. Навбат меники эканини айтишга ботинмадим ҳам. Фазнадаги қиз ташқари чиқаётган мижоздан пулини олар-олмас бошини қуйи солиб олди: бўрон булутлари орқасига ботган Зухро юдузи каби кўринмайдиган бўлди. Оғайним:

— Оқариб кетдингми?.. — деди.

Аччиғим чиқди:

— Оқармай бўладими? Анавиларга бир қарасанг-чи...
Ҳаммасининг юзидан қон қочди-ку...

— Бизни нима ҳам қила оларди?

— Хоҳласа ҳеч нарса қилмасин! — дедим.

Унинг кўринишининг ўзиёқ юрак ўйнатишга кифоя эди. Ҳатто цирқда темир қафас ичида ириллаган арслонларни кўриб, кишининг туклари тикка бўлмайди-ми, ахир?! Гарчи уларнинг қафасдан чиқиб, бизни тилка-пора этмаслигини яхши билсак-да, бу ишонч икки пулга қиммат. Ҳатто қайчиларнинг шақиллаши ҳам сустлашганди. Мижозлар қайрилиб қарашга ботинмаётган бу янги одамга ойнадан кўрқа-писа қарар, шубҳасиз, худди мен сингари тукларини тикка қилиб юборадиган хаёлларга берилган эдилар. Ойнада кўзларимиз тўқнаш келишидан кўрқиб, юрагимни ҳовучлаганча крахмалланган ёқасидан чиқиб турган йўфон қизғиш бўйнини, кенг елкаларини томоша қилиб ўтирардим. Баайни буқанинг ўзи. Афт-башараси, чимирилган қошлари, катта оғзи кишининг юрагини ўйнатиб юборадиган дара-

жада кўрқинчли эди. «Ким билади қандай оловлар ичига тушган, қайси душман подаларини тирқиратиб қувган, жанг майдонида ақл бовар қилмайдиган қандай қаҳрамонликлар кўрсатган экан», деб ўйлардим. У худди гранитдан ясалган жасорат обидаси бўлгану, тирилиб келган. Гўё бамисоли «Қон Қалъа», «Баттол Ғозий» даврига тушиб қолгандек эдим. «Урушни йўқ қилиш учун ҳаракат қилган» файласуфлар эсимга тушиб, кулимсирадим.

Оллоҳ бу мумтоз вужудни, шубҳасиз, фақат уруш, фақат ботирлик, фақат қаҳрамонлик учун яратган бўлиши керак. Агар шундай келбатли, шундай мағрур, шунчалик жасоратли одамлар бўлмаса, энг муқаддас анъаналар йўқ бўлган, чегаралар бузилган, ҳақиқат йўқолган, тарих, шону шараф, қийматлар афсонага айланган бўлурди.

Хуллас, ҳар қандай фазилятнинг асоси бўлган «жасорат» тушунчасига оид фалсафа тўкиб, хаёлга толдим! Бўшаган бир курсига оғайним ўтирганини ҳам сезмай қолдим. Пальманинг остида ёп-ёлғиз ўтириб, пастга тикилар, ҳорғин ҳолда Салим Сиррини эслаб, «Шу оққора тўшама тошлар устида оёқ билан шашка ўйнаса, бу янги спорт тури ҳисобланармикан» деб ўйлардим...

Ногаҳон олдингидан ҳам қаттиқроқ гумбурлаган овоз чиқса бўладими?! Бу гал дераза, эшик-пешик эмас... узун ойна, мармар столлар, курсилар гумбурлаган эди. Бошимни кўтардим. Баҳайбат мижоз қизил дарахтдан ясалган разна орқасида ерга узала тушган, бақира бошлаган эди:

— Вой-дод...

— ...?

Ўзга мижозлар, сартарошлар, уларнинг ойнадаги акси бараварига у томонга ўтирилдилар. Ўзига келганлар сўрашди:

— Нима бўлди, нима бўлди?

— Не гап, не гап?

— Вой, ана унинг устида!

— Ниманинг устида?..

— Ана унинг...

— ...

Титраган бармоғи билан устараси остидан қочган оз-
гин сартарошни кўрсатар, ҳамма ёқни бошига кўтариб
доғ соларди. Шу онда кўнглимда шубҳа уйронди. Ажа-
бо бу юнонми, маҳаллийми, ким экани номаълум хоин
сартарош бу арслоннинг шоҳтомирини устара билан
кесиб юбордимикан? Оёққа турдим. Зотан энг улуг,
жасур, буюк қаҳрамонлар ўтакетган қўрқоқларнинг
хиёнатни туфайли қурбон бўлмаганми?! Бунга тарих
шоҳид. Яқинлашдим. Сартарошларни итардим. Орала-
ридан бош чиқариб, сўрадим:

— Ҳамшаҳрим, айт, не бўлди?

Қўрқувдан унинг кўзлари ола-кула бўлганди. Ҳали-
гина қон томиб турган юзлари лимондай сарғайиб кет-
ганди. Юзида каттакон совун кўлиги бор эди.

— Устида, худо ҳаққи, устида... — деди.

— ...

Ичимда: «Албатта, ё заҳарли игна, ёки ханжар каби
бир нарса бўлса керак!» дедим. Қочирган мижозига бақ-
райганча қотиб қолган сартарошга бошдан-оёқ тикил-
дим, дарҳол бир нарсаларни тахмин қилиб, ёнига яқин-
лашдим.

— Устингдаги нарсани чиқар! — дедим.

— Нимани?

— Чиқар деярман!..

— Нимани ахир, жаноб?

— ...

Лекин ҳақиқатан ҳам нимани чиқариши керак? Уни
ўзим ҳам билмасдим. Сартарошнинг ҳайрат тўла кўзла-
ридан кўз узиб, разна остида дир-дир титраётган тўнка-
дай қаҳрамонга юзландим:

— Қаерига яширди? — дедим.

— Я..шир..ма..ди!

— Унда нима қилди?

Қўрқувдан ҳиқичоқ тутган, тили зўрға айланарди.

- Ус...ти..да!
- Қаерда?
- ...
- ...
- Белидами? Чўнтагидами?
- Йўқ, ёқасининг ёнида...

Сартарошнинг устида оппоқ, узун чит халат бор эди. Ёқасида қеч нарса йўқ эди. Оёқ устида турганлар билан бараварига диққат солиб қараётганимизда ерда ётган дев:

- Худо ҳаққи, юраётган эди, — деди.
- Донг қотдим. Тўхтадим. Каловландим.
- Юраётганмиди?
- Пастдан юқорига юраётганди...
- ...
- ...

Яна тўхтадим. Олдинга боқдим. Масала кўп мушкул чиқди. Кулгига қолмаслик керак эди. Мен сих, игна, қурол-пуrol деб ўйлагандим. Қидирилган нарса ҳам жонли, ҳам юрган бир нарса эканини англаган мижозлар, сартарошлар тараддулланиб яқинлашиб, эгилиб сартарошнинг ёқасига тикилдилар. Мен алданганини бирдан билиб қолган ҳийлагарлардай сукунат ичида бош чайқадим. Ҳа, бу бир бит бўлса керак. Кичкина бир бит! Лекин даҳшатли ўлим келтирадиган, тиф аждари! Ҳамиша фалсафа тўқишга ҳозир у нозир, бир автомат машинага ўхшаш «ақлим» ишга тушди. Ахир, энг жасур кишилар ҳам қарши туролмайдиган, олишиб бўлмайдиган бир душман олдида жасорати йўқ бўлганди.

Шу қалин этиги, қўрқинчли шопмўйлови. Қоратор тўппончаси, черкес ханжари бўлган бу дев одам бир тўда бўрига, ваҳший ҳайвонларга, қоплонларга дуч келса, бундай титрамаган, киприк қоқмай ҳаммасини ўлдирган бўлурди. Лекин тиф микроби вужудига бир кирса борми... Не ҳам қила оларди? Ҳеч нарса, ҳеч нарса... Қўрққанида жон бор. Мен буларни хаёлимдан чақ-

моқдай тез ўтказар, хулосалар эканман, қидираётган-
лардан бири:

— Ҳа, мана... — дея бақирди.

Сўрадим:

— Бит эмасми?

— Йўқ.

— Унда нима у?..

Қидирилган нарса ёқасидан чиққан сартарош алам
билан ҳайқирди:

— Астаффуллоҳ, бу ерда бит йўқ... Бу бир кана...

— Канами?

— Ҳа...

Ерда титраб ётган мижозга ўтирилдим...

— Кана... Шукур-эй... — деди. — Худо ҳаққи уни ту-
тиб, эзиб ташланг! Кана билан нонхўрақдан ўлгудай
қўрқаман!..

— ...

Боя унинг пўстини остида эзилай деган озғин малай
югурди. Кўзимизнинг олдида у канани тутди. Ерга отди.
Эзди. Титроғи босилган дев секингина ўрнидан турди.
Бўйнидаги сочиқни олиб, столга улоқтирди. Тезда кам-
зули билан пўстинини кийди. Телпагини, ўша даҳшат-
ли, каттакон черкес телпагини бошига кийди. Сарта-
рош соқолини охиригача олиб қўйиш учун уни ўрин-
диққа чорлади:

— Ўтиринг, битириб қўяйлик, жаноблари.

Ваҳолапки, ҳеч нарса унинг қулоғига кирмаётган,
эшитмаётган эди. Чўнтагидан бир мажидиялик¹ қороз
чиқариб, ғазнага отди.

— Асабларим қақшади! Энди бу ерда ўтиролмайман!
— дея чала олинган соқоли, совунли юзи билан у кўчага
отилди.

Барчамиз, кўзгудаги эсанкираган аксимиз билан ба-
раварига унинг орқасидан қараб қолдик. Даҳшатли мо-

¹ Мажидия — қиймати 20 қурушга тенг бўлган қумуш пул.
Султон Абдулмажид замонида зарб этилган.

мақалдироқдан кейин янги чиққан тонгги юлдуз каби сариқ сочли кичкина қиз ғазна орқасида пайдо бўлди. Лекин у бу гал ниҳоятда хурсанд, шодмон эди. Бизнинг тикилиб қарашимизга жавобан гўзал бошини чайқаб, жажжи қўлларини бир-бирига урганча:

— Буни қаранг-а! Буни қаранг-а! — дея қаҳқаҳа отарди.

ЧАНОҚҚАЛЪАДАН СЎНГ

...Уни қариндошлари «синчков», узоқ танишлари «тентак» дейишарди. Ёши қирқ бешдан ўтган. Ҳалигача уйланмаган. Ёзда қирларда кезар, кун чиқиши ва ботишини телбаларча қизиқиш билан томоша қиларди.

Қишда ёлғиз ўзи яшайдиган Аччиқбодомдаги уйдан ҳеч ташқарига чиқмас, хонасида у ёқдан-бу ёққа бориб келар, кумуш тождек товланган оқ сочлари жуда асл, жуда олижаноб кўринган бошида ғужғон ўйнаётган ҳеч тушуниб бўлмайдиган тўфон шовқинини тингларди. Жуда яхши таълим олганди. Хоҳласа ишлаб, пул топа оларди. Лекин у ҳамма нарсадан воз кечган, қачонлардир ўтган Эпикур сингари фақат «табiiй ва зарурий» эҳтиёжларини таъминлаш билан чекланар, ҳаётнинг ҳар нарсаси бўлган «табiiй ва ғайризарурий», «ғайритабiiй ва зарурий» эҳтиёжларга мутлақо аҳамият бермас эди. Отасидан қолган озгина даромад нон, сув, ўтин ва кийим-кечак харажатига етарди. Бир нечта синфдошлари ва курсдошларидан бошқа кимса унинг уйига келмасди.

Меҳмон уларни бодиён ва ёввойи ўт босиб, чакалакзорга айланган боғчасидаги чинор остига ўтқазар, умидсизлик шаҳридан аччиқ паймоналар сўзларди.

— Уйлан, шунда бу толесизлик сендан қочади, — деганларга:

— Дунёга яна бир асир келтириш жиноятига қўл уролмайман, — дея кулимсирарди. Кўп валақламагани учун яқин оғайнилари ҳам уни яхши тушуниб етмасдилар. «Файласуф, дарвеш, асабий, авлиё...», дер эди-

лар. Лекин йўқ, у фақат умидсиз одам эди холос! Мактабни битиргач, ўқий бошлаган, ўқийвериб, умиди сўнган, ўқиб ўйлайвериб, жонига қасд этгиси келиб қолган, аммо чуқур таълим натижаси бўлган илмий тафаккури бунга йўл қўймасди...

— Шошилишнинг кераги йўқ. Модомики, пешонада бор экан... узлатга чекиниб, ўлимни кутмоқ керак... — деганди. У ажални кутаётган эди! Зеро ўзига инсон кўзи билан боқмасди. Инсон дегани, албатта, бир жамият, бир миллат ичида яшамоғи даркор... Ўйларди: унинг на миллати, на жамияти бор. Фақат илиқ-милиқ, на тилидан, на дуосидан ҳеч нарса англаб бўлмайдиган номаълум бир дини бор эди. Маъбадида буюклик ҳис қилмас, истиқболида теран абадиёт кўрмас, қора тупроқ устида бир жонивор, бир кимсадек ғимирларди.

Бир жонивор сингари...

Ҳолбуки, у миллати, дини, маъбади бор бўлишини, буюк, жамиятнинг илғори, теран ғояли инсони, ахлоқли ва маънавиятли киши бўлишни хоҳлар эди. Муҳити, орзу-умидлари ва иштиёқларини ногаҳон бир чўл, бир саҳро, бир одам йўқ қилган эди. «Гўзал, яхши ва буюк» нарсалар йўқ бўлганди. Ҳандасавий чизиқлардан иборат бўлмағур нарсалар санъат деб тиқиштирилар, арабча, ажамча маъносиз ва мавҳум сўзлар йиғиндиси адабиёт деб тақдим этилар, миллат инкор қилинар, ўтмиш ёлғонлаштирилар, истиқбол туман ичра тасаввур қилинади.

— Не бўлади, не бўлади? — дея бошини қўллари орасида сиқаркан, кўзи ўтмайдиган бир зулмат, бир бўрон бойқуш қичқиригидан иборат жаҳаннамий бир тилда унга жавоб берарди:

— Эртага руслар келади, Истанбулни олади, инглизлар ва французлар Онадўлини яғмо қилади. Номимиз тарихдан ўчиб кетади...

Ҳа. бу ҳақиқат эди. Бунга ким ҳам шубҳа қиларди?

Ўз исминини билмайдиган, ўз тилида ёзмайдиган, душманларинини дўст деб билган бир миллат яшаши мум-

кини? Бунинг имкони борми? Отини билмайдиган, ўз тилида ёзмаган, душманини дўст деб билган бу бечора миллат эртага руслар, французлар, инглизлар қўлида Ҳиндистон халқи каби асир бўлади, уларга молдай хизмат қилади, маданиятдан, яъни инсонийликдан, ахлоқийликдан маҳрум бўлади. Унинг ўзи ҳам ана шундай асирликка номзод эди. Шулар ҳақда ўйларкан, асабларини қақшар, даҳшатли бир тутқаноққа тутилар, эртанги «асирлик ва қайвонлик» қисматига қарши исён кўтарар, бодиёнларни қўпорар, янтоқларни эзғилар, ниҳоят тентакларча қирларга отиларди. Машинада дам олишга чиққанлар, қар ёнда кўринган отлиқлар, велосипед минганлар ёнидан ўтаркан, қони қайнаб кетарди.

— Эҳ, асир подалари... — дея тўнғиларди.

Ҳа, уларнинг қаммаси ҳайвон, инсон эмас. Агар инсон бўлсалар, муқаррар қуллик бурнининг тагида турганида қанақасига бамайлихотир ва шодон вақтичорлик қилишади, кезишади, ўйнаб-кулишади? Қандай қилиб севишиш, турмуш қуриш, сон-саноксиз болачақа етиштириш мумкин, ахир? Уларнинг хабари йўқ. Фалокатдан, ҳеч нарсадан хабари йўқ.

* * *

...Яна бир ёз куни боғчасидаги чинор остида ажалини кутаётган фалаж қария сингари қовоғидан қор ёққанича умидсизликдан қақшади. Қуёш порлагандек бўлганди. Конституция эълон этилганди. Бироқ беш ой ўтмасдан олдингидан баттарроқ ноумид бўлди. Русларнинг фитна чиқариш ниятида Истанбулдаги бир қанча одамларга йилига уч юз минг рубл бераётганини Думадаги тортишувлардан билиб, ўзини бошқара олмаган миллатнинг ожизлигини кўриб, янада баттарроқ жизганак бўлди. Қуёшнинг ботиши ва чиқишини ҳам томоша қилмайдиган бўлди. Рус қўшинидаги ваҳший казакларнинг ҳужумини кўраётгандек бўлар, кўзи юмук қолда бораркан, тўсатдан бир жарга қулагандек титгарди. Қушлар йиғлар, гуллар сўлар, япроқлар тўкилар.

уфқни зулмат босарди. Азму иродаси йўқ эди. Қўлини кўтариб, атрофдагиларга:

— Уйғонинг! Ўзлигингизни билиб олинг. Ҳайвон сингари ғоясиз, ташкилотсиз, маданиятсиз яшаманг. Миллат бўлинг... — дейишга журъат қилолмас, ўзида бунга куч тополмасди.

Қолаверса, энди сўзнинг не таъсири бор эди? Амалда инқироз бошланган ва поёнига етай деб қолганди. Тижорат, бойлик, пул, саодат бутунлай ажнабийларнинг қўлига ўтиб кетганди. Таслимиёт миллатни аста-секин ўлдираётган ажал машинаси, зўравонлик муассасаси эди. Ҳақиқатни ҳеч ким кўрмас, яқинлашаётган фалокатдан қутулиш учун ҳеч ким ҳеч бўлмаса чекиниш йўлини кўрсатмасди.

— Оҳ, қайи энди ҳақиқатни кўра оладиган бир қаҳрамон чиқса эди... — дея инграрди. Тақирликлар, тошлоқлар, харобалар, таслимиёт миллатни аста-секин ўлдираётган ажал машинаси, зўравонлик ташкилоти эди. Ҳақиқатни ҳеч ким кўрмас, ахлоқчиликни инсонийлик меваси деб билган руҳи азобланарди. У узоқдан кузатаётган бу жараёнларга мубтало бўлди. Янги чиққан муршидларга қулоқ осди. Бири «Ҳамма нарсани Оллоҳ билади» дер, бошқалари бўлса тарихда бисёр шонли саҳифалар битган туркларни борнеоликлар, Фижи оролларидагилар, яваликлар, суматраликлар... каби ерли ва ярим ваҳший қабилалар, қавмга айлантириш дардида. Траблус жангидан кейин тўсатдан устимизга ёнирилган Болқон фалокати уни бутунлай тўшакка михладди. Энди Туркиянинг Европа қисми қўлдан кетган, қолганлари бўлса «манфаат ҳудудлари» номи остида тақсимланган эди. Кўшқига биқиниб олди. Русларни кута бошлади. Мана, сўнгги қадам ҳам отиладиган бўлиб қолди.

Жаҳон уруши эълон қилинган, қавагида яна тўлганди. Бу гал ҳақиқатан ҳам сўнити соат келганди! Руслар Аёсофия устига хочларини тикадилар. Фарбий Осиёнинг бу бурчагида минг йиллик турк тарихи тутаб би-

тадиган бўлди. Ўзлигини йўқотган миллатнинг асортини кўрмаслик учун ўлмоққа қарор берди.

— Фақат руслар бостириб киргачгина... — дерди.

Эвоҳ, агар муҳитагилар инсон бўлсайди, ўлимни асоратдан афзал билган бўлурди.

Инглиз ва француз тўплари Чаноққалъани тилкалай бошлади¹.

Ана бугун, ана эртага...

Душман муқаррар равишда кутилаётган эди! Онадўлига кўч-кўч бошланган, маҳаллалар аста-секин ҳувиллай бошлаган эди. У ҳам кўпчилик сингарин душманни кута бошлаганди.

— Нарн борса бир ҳафта ичида... — дерди.

Лекин бир неча ҳафта бир-биринч қувиб ўтди. Инглиз, француз босқинчилари Чаноққалъадан ўтолмади. Кўчганлар қайтиб келди.

У бу мўъжизадан ҳайратта тушиб, кўшкндан чиқди. Кўчалар, майдонлар, қирлар юз минглаб аскарга тўлиб-тошиб кетганди. Бу интизом, бу руҳ, бу қўшин, бу миллат бирданига қаердан пайдо бўлди? Тушонолмади.

Бир йил ҳар куни қозонилган муваффақият хабарн билан ўтди. Чаноққалъада бир миллион кишилик душман қўшини тор-мор этилди. Денгизга улоқтириб ташланди. Қалин зирҳли кемалар чўқди. Енгилмас деб ҳисобланган инглизларнинг байроқлари ерга туширилди. Руслар-чи... Истанбулни олиш учун урушга кирганлари ҳақида лоф уришдан бошқа нарса қилолмадилар.

...Умидсизлиги барҳам топган сайин кўзлари очилиб, ўзлигини таниган, ғоясини билган миллат туғилганини кўра бошлади. Таслимиётчилик барҳам топаётган, мамлакат ички душманлардан тозаланаётган, мил-

¹ Чаноққалъа жанги — Биринчи жаҳон уруши даврида инглиз ва француз қўшинлари бўғоз бошида жойлашган ва стратегик жиҳатдан фоят муҳим бўлган Чаноққалъани қамал қилган, лекин ололмаган.

латнинг борлиги устига заҳарли зулукдек ёпирилиб, қонини сўраётган хоинлар қўлидан иқтисод ва ишла-ма воситаларини олиш чоралари кўрила бошлаган эди. Хуллас, умиди узилган оломон ниҳоят халққа айлана-ётган ва туркларда ҳам ишбилармонлик фикри уйғон-ган эди.

...Бондаги бодиёнларни қўпортирди. Хашаклардан тозалатди. Уни тентак ва синчков дейдиган қўшнилари ўзгаришлардан ҳайрон бўлишди.

Кўшк таъмирлана бошлади. Кўшк эгаси тоза ва янги либослар кия бошлади. Ўн беш, йигирма йилдан буён биқиниб яшаган, вақтини беҳуда совурган бу бейнинг Ташки ишлар вазирлигида таржимон бўлиб ишлаётга-нини эшитишди.

Ёши элликка яқинлашганди. Сочлари оппоқ эди. Бироқ миллатнинг тўсатган уйғонгани, саодати, ҳара-катга келгани уни яшартирди ва уйланишга қарор қилди. Бир йил олдин қарғалар қағиллаган чинорда энди бул-буллар сайрарди.

Кўшнилар бир оқшом эндигина бўёқдан чиққан кўшкнинг деразаларидан нур ёғилаётганини кўришди. Масъуд, қувноқ қаҳқаҳалар, руҳни жўштирувчи мусиқа оҳанглари эшитиб, тўй бўлаётганини англадилар.

* * *

...Ноумидлик барҳам топгач, унинг бутун ҳаёти ян-роқ баҳорга айланди. Фақат бошидаги оқ сочлари... ҳамон оқлигича қоладди. Бироқ бу оқлик, баланд тоғ-лар устидаги тоза ва покиза қор сингари, юксак амал йўллари бекитмасди. Бодиёнларнинг ўрнида бинаф-шалар гулламоқда эди.

Майин эсган шаббода бу боғдан хушбўй насимлар-ни, бу саодатли уйдан бошқа бахтиёр оилаларга маъна-вий-руҳий саломларни олиб кетарди.

Бир кун у саррин тонгда энди экилган гулзор ора-лаб бироз ҳорғин, бироз ташвишли кезиб юрарди. Кўшк эшигидан ногаҳон кимдир қичқирди:

— Бейафанди, суюнчи!

— ...

— Қутулди, суюнчи!

— Ўғилми?

— Йўқ, қиз... Юзидан нур ёғилиб турибди!

Дарҳол ичкарига кирди. Хотинининг бош учига ошиқди. Покиза ва сулув аёл пушти ипак пардали ётоқхонасида сокин ва бироз беҳол ётарди. Уни кўриб, қулимсиради. Оҳиста ва эшитилар-эшитилмас овозда:

— Исмими нима қўямиз? — деди.

— Мафкура...

Шундай дея, қайрилди. У ўзига узатилган юпқа ва оппоқ қўндоққа ўралган қизига боқди. Изтироб ичида кечган ўтмиши, оқ сочларини, ҳамма ҳаммасини шу ондаёқ унутди. Эндигина туғилган фарзандининг масъум ва тийрак кўзларида ҳаётдан умидворлик нури нурлар эди. Бутун руҳи бу чексиз тонгнинг азалий ёғдулари билан нурафшон бўлди, алангаланди. Кўзлари қувончдан яшнади. Борлигини тўлдирган нурлар атрофини ҳам қоплади. Бу ҳаяжон тўфони ичида кўзларига ҳеч нарса кўринмас, фақат хотинининг ўз қалбидан чиқаётгандай нозли, ширин, нозик овозини эшитгандай бўлди:

— Ҳоя... оҳ нақадар гўзал исм бу!

ХАРИ

Қоронғилик ичида қиррадор қора қоянинг мажҳул кўланкаси сингари қад кўтарган Шалғо қалъасида жон бор эди. Вақт-вақти билан даранглаган ноғора, бурғу сасларини оқшомги енгил шамол бир увиллаш сингари ҳар томонга олиб кетарди...

Ҳузушли қағиллашлари ўлимни эсга соладиган шак-кок қарға подалари қовоғи осик булутли осмонни баттар хиралаштиради. Бинафшаранг тоғлар тобора қуюқлашиб, қорайиб борарди. Тоғ ёнбағирларидаги тарқок соялар, қушсиз ўрмонлар, увиллаган даралар, чексиз

сўқмоқлар, кимсасиз бутазорлар гўё қўрқинчли бўрон кўтарилишини кутаётганга ўхшарди.

Бурж устида оқ-қора байроқ жон талашаётган қуз-гун янглиғ тўлғанади.

Икки минг кишилиқ қамал қўшинининг чодирлари қалъа томон кетган кенг йўлнинг ўнг томонидаги шум-тол дарахтларининг атрофига тикилган эди. Қозикларга боғланган бўз отлар бегона ҳидларни сезгандай тез-тез бош кўтариб кишнар, туёқлари билан тупроқни қазиб, нам чимларни ерди.

Шохларга қирмизи жуллар, нақшинкор эгарлар осир-лик. Жамоат бўлиб қилинган намоздан қайтаётган аскарлар чодирлар орасидан шовқин солиб ўтишарди. Қисқа буйруқлар, чақирилган исмлар, қаҳқаҳалар, гап-сўзлар... сукунатни бузар, отлар ёнида бир-бирини туртаётган бир қанча йигитларнинг шодон қийқириқлари эшигиларди. Жуфт устунли яшил чодир эшиги олдига ёзилган катта қоплон териси устида ўтириб, қаҳрабо чилимини пўқирлатаётган шопмўйлов, ҳайбатли, бургуткўз шоир саркарда олмоқчи бўлган қалъанинг хил-пираётган байроғига кўз тикиб ўтирарди. Рўпарасига тиз чўккан катхудосининг сўзларига қулоқ соларди. Ярим соат олдин қароргоҳга елиб келган бу киши кекса, семиз бир аскар эди. Бир неча ҳафта олдин саркардасининг «Гўндерсдеф барони Эрасим Тоффлини бир-галашиб яксон этиш» таклифини ёлғиз ўзи Ходим Али пошога олиб борганди.

Лекин пошо жуда банд эди. Вақт топиб жавоб беролмаганди. Дреглай қалъасини қуршовга олганди. Қуршовнинг бошидан охиригача ўша ерда бўлган катхудо кўрганларини ҳозир айтиб бераётганди. У қалъа ғоят баланд, жуда тик чўққи устида қурилган эди.

Арслонбей сўради:

— Бизнинг қалъамиздан ҳам баландми?

— Жуда баланд, бейим.

Қўмондоннинг «бизнинг қалъа» дегани тўлғанаётган байроғига ҳасрат билан тикилган Шалго қалъаси

эди. Лекин у бу қалъани бир неча кун ичида қўлга киритишини яхши биларди. Бундан бир неча ҳафта илгари Боза Минорасида ҳужумларига қарши чиқмоқчи бўлган Андrenaки, Михал Терши, Этиян Сошай унга қалъани таслим этган, қаҳрамонлиги, жасоратини олқишлай-олқишлай, марҳаматига ташаккурлар билдириб, чиқиб кетишганди...

— Мен бу қалъа олдида кўп туриб қололмайман, — деди. — Ҳеч тоқатим йўқ. Лекин Али пошо кўп сабрли экан... Баракалла!

Катхудо бошини кўтарди.

— У ҳам сабрли эмас... Аммо нима қилсин? Дреглай жуда тик, ниҳоятда баланд... Борсем тоғларида бош қоя дейишади.

— Пошо аввалан мудофаачиларга таслим бўлишларини таклиф этмадими?

— Этди.

— Қабул қилишмадими?

— Йўқ, қабул қилмадилар.

— Қалъа қўмондони ким экан?

— Зонди деган бир мард...

— Мен уларнинг мардикларини биламан. Берган сўзида турмайди-лар... Қондани икки пулга олмайдилар. Элчини ҳақорат қиладилар.

— Йўқ, Арслонбей, Зонди сиз айтганлардан эмас. Жуда мард одам.

— Пошо таслим таклифига кимни юборди?

— Паяз Мартин Уручгалони...

— Шундоғ дегин... Турк элчисини жўнатсайди, албатта, бошини олиб, қалъа деворидан настта отган бўлишарди.

— Пошо турк элчиси юборганида ҳам Зонди бу ишни қилмасди.

— Сен қаердан биласан?

— Поп Мартинга айтган гаплардан билдим.

— Не деган экан?

— Айтганки, «Бор, пошога айт, менга таслим бўлишни таклиф қилиб ўтирмасин. Бир жангчи учун бундан

катта ҳақорат бўлмайди. У қандай ҳарбий бўлса, мен ҳам шу қадар жангчиман. Ё ўламан, ёки голиб чиқаман. Лекин кўряпманки, ишим чатоқ. У кутиб ўтирмай, бор кучи билан ҳужум қилсин. Мен, шубҳасиз, йиқиладиган қалъа тошлари остида ўлишни хоҳлайман».

— Чиндан ҳам ор-номусли жангчи экан...

Катхудо:

— Фақат ор-номусли аскаргина эмас, Арслонбей, — деди. — аини чоғда ўз қадр-қимматини биладиган бир мард...

— Қандай?

— Мен айтай. Поп Мартин қароргоҳга рад жавобини олиб бориш учун қайтаётганида Зонди уни тўхтади. Олдинроқ асир олган икки турк йигитини қаватига қўшибди. Уларга қимматбаҳо кийимлар кийдириб, чўнтақларини олтинга тўлдирибди. «Буларни олиб кет, пошога олиб бор. Менинг ёнимда ўлишларини истамайман. Жуда мард йигитлар экан. Тарбиясига эътибор берсин. Давлатига икки буюк аскар етиштирган бўлади» дебди.

— Ҳақиқатан ҳам жўмард одам экан...

— Кейин қўлга тушган асирлардан эшитдик, у қалъа ҳовлисига энг қимматбаҳо кийим-кечаклари, ашёларини олиб чиқиб ёқибди. Отхонадаги жанг отларини ўз қўли билан сўйибди. Охирги ҳужумда аскарларимиз қалъа давозасига ёпирилди. Бузиб киришди. Яничарлар ўқ тегиб ярадор бўлган Зондини тирик тутиш учун кўп уринишган. Лекин мумкин бўлмаган. У тиззалаб қолганига қарамай, бадани қилич, найзалар билан пора-пора бўлгунча урушган.

— Демак, пошога мард душман билан сўзлашиш на-сиб қилмабди-да.

— Ҳа, сўзлаша олмади. Пошо унинг танаси билан кесилган бошини қалъа олдига кўмдирди. Мозорининг устига найза, байроқ тикишни буюрди.

— Баракалла! Мен бўлсам, мақбара тиклатган бўлур-дим. — Худо ҳаққи...

Арслонбей душманнинг жасурини, қаҳрамонини, мардини яхши кўрарди. Уруш, аввало, мардлик санъати. Душман қўшинидан қочиб, оёғига бош урганларга ҳеч шафқат қилмас, «Хоин доим хоиндир» дея дарҳол бошини кестирарди.

Қош қорайиб, қоронғи туша бошлади. Катхудо узоқ давом этган Дреглай қалъаси ҳикоясини ҳалигача битирмаган эди. Хуфтон намози учун таҳорат суви кўтарган навбатчилар машғала кўтариб ўта бошладилар. Арслонбей Шалгонинг ҳўлланган, хаста тиллақўнғиз каби хира милтиллаган нурларига боқар, катхудонинг сўзларини эшитмас, ўз режасини ўйлар эди. У душманларнинг ҳаммаси Зонди, Плас Батаниус, Лозонжи каби ботир эмаслигини биларди. Ораларида қуёнжорак қўрқоқлари ҳам бор. Чунончи Сечени қалъасининг мудофаачилари, ҳали Али пошо етиб келмасидан олдинок, бир ўқ отмасдан, тўплари, милтиқлари, қурол-ярроғлари, захиралари, ўғруқлари, моллари, ҳатто кексаларини, бола-чақаларини ташлаб қочиб кетишганди. Бир неча кун ичида бу қалъа ҳам олинса, Ҳоллоко, Бояка, Шаг, Кепармат қалъаларига гал келади. У ёғига Худо раззоқ.

— Балки бир ой ичида ҳаммаси қўлга киритилар, — дея сўзланди. Катхудо қўмондоннинг ўй-фикрларидан беҳабар эди. Тушунмади, сўради:

— Бу қалъанинг олиншини айтяпсизми, бейим?

— Йўқ, азизим... Бу бир неча кунлик иш! Қани ҳавога булут тўпланаверсин-чи... Фулекка қадар тўрт, беш қалъа бор...Уларнинг ҳаммасини айтяпман.

— Бир ойда тўрт, беш қалъа... Бу қийин иш, бейим.

— Нега?

— Ҳали бу қалъага бир ўқ отилмаган бўлса... Отдан тушаётганимда йўлдошларим айтди.

— Мен бу ерни бир ўқ отмасдан оламан.

— Қандай қилиб, бейим?

— Бунга сенинг ақлинг етмайди. Ҳаво кўпроқ айнийверсин, кўрасан...

— Ҳеч тўнга тутмай, хужум қиламизми?

— Йўқ.

— Унда не қиламиз?

— Ҳавони булут босишини кут, дедим-ку... Кўра-сан...

— !!!

Арслонбей режаларини энг яқин кишиларидан ҳам сир тутарди. «Деворнинг қулоғи бор» дерди. Оғзингдан чиққан сир эшитилмай қолмайди. Катхудо сингари бу бамайлихотир, маъносиз кутишдан бутун аскарлар бегоҳат бўлаётган, ҳеч нарса тушунмаётган эдилар. Қўмондон ёрдам, қурол-яроғ, тўп кутаётгани ҳақида гап-сўзлар юрарди. Чодирларида кекса жангчилар:

— Биз бу ерни ёрдамсиз ололмаймизми? Икки тўп етмайдимиз? Нега турибмиз? — дея тўнғиллашарди.

Бу ерга келинган кундан бери аскарга дам бераётган Арслонбей ҳар тонгда отига минар, ёлғиз ўзи орқадаги ўрмон ичига кетар, соатларча қолиб кетар, қулиб қайтарди.

— Ҳаво айнийдиган эмасми? Қани энди, бироз туман тушсаяди, — дея кўкка, қалъанинг ҳилпираган байроғига тикиларди.

Мана, Катхудо олиб келган мактубда Али пошо таклифни қабул қилганини ёзибди. У билан бирлашса, қўшнини етти минг кишига етади. Ўшанда, шубҳасиз. Тофелни, Паллавични тириклай қўлга туширган бўларди.

Қуюқ қоронғилик ичида узоқдаги Шалго қалъаси навбатчиларининг бўкириклари, кўппакларнинг вангиллаган товушлари эшитиларди. Кўкда биронта юлдуз кўринмайди. Арслонбей надими тутиб турган биллур косадаги зилол сувни симирди. Яна суҳбат бошланди. Суҳбатлашаркан, нуқул режасини ўйларди.

Яна у кўкка тикилиб қолди.

Тўсатдан сўради:

— Осмонни булут қопладими дейман?

— Ҳа...

- Қани кўрайлик, эртага...
 - Ҳужум қиламизми, бейим?
 - Йўқ, азизим, ҳаво айнийверсин-чи, кўрасан.
- Катхудо яна ҳеч нарса тушунмади...
- Бир куни саҳарда...

Минглаб мўрилардан чиқаётган қулоқ, нам тутундай қалин туман ҳар ёқни қоплади. Қароргоҳ, байроқлар, туғлар, чодирлар, шумтолар, отлар — ҳеч нарса кўринмай қолди. Олдин бир-бирини чақираётганларнинг овозлари эшитилар, кейин икки кўланка овоз ёрдамида бу оқ туман ичида бир-бирини топарди. Арслонбей отини ҳозирлатган эди. Яна ҳар куни ёп-ёлғиз кетадиган жойига йўл оладигандек эди.

Бирам хушнуд эдики...

У барча зобитлари, човушларини чақиртирди. Ҳаммаси ҳужум бошланса керак, деб ўйлашаётганди. От устида мажлис ўтказмоқчидек, бир оёғи ерда, бир оёғи узангида:

— Оғалар, — деди у, — бутун қалъани оламиз. Мен икки соатлардан сўнг келаман. Унгача ҳаммангиз тайёр бўлинг.

Туман орасида муаллақ тургандай кўринаётган юз-кўзини қалин оқ соқол босган кекса тўпчибоши сўради:

— Сиз келгунча мен тўпга тутишни бошлайверайми, бейим?

Арслонбей кулди.

— Йўқ... Сенинг икки тўпингнинг ўқларига эҳтиёжимиз йўқ. Лекин қаттиқ шовқин-сурон кўтаргин.

— Қандай шовқин, бейим?

— Тўпларингни беҳудага ўрнидан жилдириб юрма. Тўпчиларингни қалъа томонга йўлла. Бор овози билан «қани, бўл, ҳа, тўпни сур, орқага ол...» дея бақиртир!

— ...

— Тушунмаяпсанми? Фақат шовқин-сурон кўтаринг, деяпман.

— Жуда яхши, бейим.

Кейин у бошқа зобитларига юзланди:

— Сизлар ҳам бор аскарларингизни ҳужум низомига йўллаб, буларга яқинлаштиринг. Мумкин қадар қаттиқ шовқин кўтаринг. «Юр, тез бўл...» дея қичқиртиринг, наъралар оттиринг. Жанговар қўшиқлар айттиринг.

Кекса тўпчибоши сингари, зобитлар ҳам, човушлар ҳам бу буйруқдан ҳеч нарса тушунмадилар. Бироқ улар тушунмасалар-да, ижро этишни жуда яхши билишарди.

— Бош устига, бош устига...

— Бўпти, лекин тез бўлинг...

— ...

Икки қадам ташлагач, ҳаммаси туман ичида бир-бирини кўролмай қолди.

Арслонбей тепинаётган отининг жиловини ушлаб турган катхудосига:

— Сен ҳам югур, ёнингга бир одам ол, орқадаги Тегирмонли қўтониди сақланаётган эликта ҳўкизни дарҳол бу томонга ҳайда. Қалъа йўли устида ҳозир бўлиб тур... Мени ўша ерда кут. Бўпти.

— Бош устига...

— Лекин тезлаш...

Бирдан ниқталанган бедов от орқа оёқларига қалқиб, туман ичига отилди. Устидаги заррин тўннинг этаклари олтин қанотга ўхшаган Арслонбей билан афсонавий қуш каби учиб кетди.

Кўп ўтмай...

Туман ичида қаердан келаётгани номаълум қаттиқ сурон кўтарилди, кучайди, орқа-олдиндан эшитила бошлади.

Довул, қалқон, карнай товушлари от кишнашлари билан қоришиб кетар, олинган амирлар, берилган буйруқлар юзлаб оғизлар томонидан айри-айри такрорланарди. Босган ерини кўролмаётган аскарлар ҳужум тартибида бақиритиб, эшитганларини такрорлаб, тирсаклари, қалқонлари бир-бирига урилганча бақиритиб-чакириб, туман ичида илгариларга бошлади.

Ўнг томондан тўпчиларнинг «Қани, бўл, торт!» деган ҳайқириқлари эшитиларди. Кўтарилган шовқиндан қалъадагилар ҳам ҳужум бошланганини англадилар.

Карнай, ноғора, «ур-ҳо ур» товушлари янгради, милтиқлар отила бошлади. Кузатувчилар қалъа деворлари остига қадар бориб келишар, сафдагилар тўпчибоши катта лаҳм очгани ҳақида сўзлашарди.

Аскарлар зобитларнинг амри билан ерга чордона қуриб кутиб туришар, шовқин солишарди.

Нихоят у жиққа терга ботган оти билан туман ичида жанговар сафлар орасида қадам-бақадам кўзга ташланди.

Ҳар одимда:

— Йигитларим!.. Туман тарқай бошлади дегунча дарҳол жим бўлинг. Бирдан оёққа қалқиб, ҳужумга отиладигандай шай туринг. Лекин олға босманг. Ўқ ҳам отманг. Мен душманга таслим бўлишини таклиф қиламан, — дерди.

Тўпчилар, уларга қўшилган ёрдамчиларнинг «Қани, бўл, ҳо бўл!» наъралари борган сари кучайди, сасларнинг кўринмаётган тоғу тошларда янграган акс-садоси тукларни тикка қилиб юборарди.

Пешин вақтига бориб туман тарқай бошлади. Аскарлар устида оқ-қора байроқ ҳилпираётган Шалғони элас-элас кўришди.

Шовқин тўхтади. Шимолдан эсган шамол тумани тарқатиб, орқага, ўрмон томонга ҳайдар эди.

Энди ҳамма бир-бирини кўрадиган бўлганди.

Қалъага жуда яқинлашиб қолишганди. Аскарлар аланглаб қўмондонини ахтардилар. У қалъа дарвозаси томон кетган йўл устида от ўйнатиб турарди. Йўл устида катта ҳўкиз подаси илгарилаб борарди. Қалъа деворлари ортнда қалқонли, милтиқли одамлар кезиб юрарди.

Жасур Арслонбей бўз отини олға ҳайдади. Қалъага юз қадамча яқинлашди. Орқасидан катхудоси билан ёш таржимон ошиқди...

Арслонбей йўғон овозда қичқирди:

— Ҳой, Шалго мудофаачилари!.. Мен подшоҳимнинг бобосига қиролингизнинг мамлакатидан катта ерларни олиб берган Босния волийси Яҳё пошонинг неварасиман. Отам Ҳамза Валибей ҳали ўн тўрт ёшда эканлигида қўшинларингизни тор-мор этган. Вена қамалида, Вьенберг оstonасида шон-шухрат қозонган. Мен қайси қалъага бормай, олмай қайтмаганман. Ўтган куни икки кичик тўпим билан Боза қалъасини яксон қилдим. Михал Терши, Этиен Шошай, Андренаки каби қаҳрамонларингизнинг қонидан кечдим. Водийга чекиниб, чиқиб кетишлари учун йўл бердим. Энди сизлар ҳам таслим бўлинг. Бехудага қон тўқтирманг...

Қалъадагилар ҳам, бутун қўшин ҳам эшитган бу таклифни таржимон овози етгунча бақириб такрорлади.

Оғир сукунат чўқди...

Арслонбейнинг оти тинч турмас, орқа оёқларига қалқар. ўнгу сўлга сакрар, тепинар эди. Катхудо тизгинидан тортишга уринарди.

Қалъа устидагилар жавоб беришди. Таржимон такрорлади:

— «Қанақа шартлар билан?» дейишяпти, бейим.

Арслонбей аввалгидан ҳам кескинроқ овоз билан ҳайқирди:

— Шарт-парт йўқ. Виз таслим бўлганларга тегмаймиз. Таслим бўлмасангиз, беш дақиқадан сўнгра қалъа ичида бир тирик жон қолмайди. Рўпарангиздаги йўл устида турган нарса нима эканини сезмаяпсизларми? Билмаяпсизларми? Оталарингиздан эшитмаганмисиз? Эллик ҳўкизга судратиб олиб келтирилган бу тўпнинг икки ўқи билан Шалгодан минг баробар мустаҳкам Истанбул қалъаси кунпаякун бўлди. Истанбулни олган тўп мана шу... Бир марта отсам етади, иккинчисига ҳожат ҳам қолмайди. На қалъангиз, на ўзингиз омон қоласиз. Сизларга ачинаман...

Ёш таржимон бу сўзларни яна бор овози билан такрорларкан, барча аскарлар йўл томонга қайрилиб ҳаралдилар.

Хўкизлар ортида узун, каттакон, баҳайбат, жуда йўгон, қоп-қора, жуда даҳшатли бир тўп қўрқинчли аждарҳо каби чўзилганини кўрдилар. Сафдагилар қувониб, қаттиқ қийқиришди. Барча Арслонбейнинг бир ҳафтадан буён нимани кутганини энди тушуниб етганди. Демак, шу тўп келаётган экан-да...

Кўп ўтмай...

Шалгонинг устида таслимиёт тимсоли бўлган оқ байроқ кўтарилди. Темир дарвозалар очилди. Қўрқувдан сарғайган туғли қўмондон, олтин қиличли аслзодалар, совутли шевальелар Арслонбейнинг олдида тиз чўқди. Қуrollари олинган душман аскарлари жуфт-жуфт боғланиб, даста-даста ҳолда қароргоҳнинг орқасига жўнатила бошланди. Қалъа ичида қимматбаҳо ашёлардан ўртада бир тепалик юксалиб борар, яшил байроқлар кўтариб қалъа устини тўлдирган аскарлар шодон қичқиришар, ораларидаги дарвешлар деворлардан тушиб, азон ўқир, такбир айтар эдилар.

Таслим бўлган қўмондон ва унинг аъёнларига Арслонбей:

— Қўрқманг. Қонингиздан ўтдик. Биз сўзимизда турамиз. Келинглар, эллик хўкиз билан бу ерга келтирган тўпимни сизларга кўрсатай, — деди.

Таржимон бу сўзларни таржима этди дегунча, бир-бирига қарашди. Улар бу даҳшатли, қўрқинчли тўпни яқиндан кўришни хоҳлашар, айни чоғда тортинаётган эдилар. Арслонбейнинг орқасидан эргашдилар. Катта тўп томонга юришди. Яқинлашгач, Арслонбей:

— Мана, — деди. — Сизнинг бундай тўпингиз борми?

— Йўқ.

— Нега ясатмайсизлар?

— Билмаймиз.

Гавдали бир ёш шевалье таржимондан бир нарсаларни сўради. Арслонбей:

— Нима деяпти? — деди.

— Бей бу тўпни Истанбулдан бу ерга неча кунда олиб келди, деяпти.

— Ундан сўра-чи, бир марта бўлса-да отмаган тўпдан кўрқиб дарҳол таслим бўлиш мардликка кирмикан?

Таржимон сўради.

— ...

— ...

Қалъа қўмондони бош кўтариб жавоб беролмади. Аслзодалар, шевальелар бир-бирига қарашга юраклари бетламай, оний бир ўлим зарбаси егандай турган жойида қотиб қолишди.

Бир ўқ билан қалъани йиқиши керак бўлган бу кўрқинчли тўп қора рангта бўялган каттакон бир хари эди, холос.

ДЎСТУ НОДЎСТЛАРИМИЗ

Бу кичик романни беш йил олдин ёзгандим. Мақсадим адабий асар яратиш эмасди. Фақат зиёлиларимизнинг бўлмагур тушунчаларини миллий борлиқ билан таққослашни хоҳлагандим, холос.

Машрутиятдан¹ кейин улуғларимизнинг кўпи билан учрашдим. Ҳаммасининг фикри у ёки бу йўсинда қуйидагича эди: «Усмонийлик умумий бир миллатдир. Усмонийлик нафақат турклик, нафақат мусулмонлик демақдир. Усмонийлар давлати бошқаруви остида яшган ҳар бир фарзанд Усмоний миллатига мансубдир». Ҳолбуки, бу фикр миллий бўлмаган Танзимот² тарбияси етиштирган каллаларда ҳосил бўлган бир хомхаёл, сафсатадан иборат эди. Дини, тили, тарбияси, тарихи, маданияти, манфаати бошқа-бошқа бўлган фарзанд-

¹ Машрутият — конституция, конституцион бошқарув. Туркияда Ёш турклар инқилоби натижасида 1908 йилда Конституция эълон қилиниб, конституцион бошқарув жорий этилган.

² Танзимот — Туркияда 1839 йилда ўтказилган сиёсий ислоҳот ва ундан кейинги давр.